



**Кўп миллатли жамиятда
полиция фаолиятига доир
ТАВСИЯЛАР**

2006 йил февраль



**Кўп миллатли жамиятда
полиция фаолиятига доир
ТАВСИЯЛАР**

2006 йил февраль

ЕХХТ Миллий Озчиликлар бўйича Бош Комиссари (МОБК) томонидан чоп этилган ва тарқатилган.

Ушбу китобчадан нусха кўчиришингиз мумкин; манба кўрсатилса миннатдор бўлар эдик.

ISBN-10: 90-75989-09-1

ISBN-13: 978-90-75989-09-0

© ЕХХТ Миллий Озчиликлар бўйича Бош Комиссари 2006

Ўзбекча нашр 2006 йил

Нидерландияда чоп этилган

Бошқа тиллардаги нашрлари қоғозда ва/ёки электрон шаклда қуйидаги вебсайтдан олиниши мумкин: <http://www.osce.org/hcnm/>):

инглиз

рус

Марҳамат, қўшимча маълумот учун боғланинг:

ЕХХТ Миллий Озчиликлар бўйича Бош Комиссари

Prinsessegracht 22

2514 AP Гаага

Тел: +31 (0)70 312 5500

Факс: +31 (0)70 636 5910

Электрон почта: hcnm@hcnm.org

Вебсайт: www.osce.org/hcnm/

КИРИШ

Ўзининг 1992 йил июль ойидаги Хельсинки Қарорларига мувофиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Миллий озчиликлар бўйича Бош Комиссар лавозимини «можароларни имкон қадар эрта босқичида олдини олиш воситаси» сифатида таъсис этди. Бу лавозим асосан собиқ Югославиядаги вазият Европанинг бошқа бурчакларида, айниқса демократияга ўтиш даврида бўлган давлатларда такрорланиши мумкинлиги, ҳамда давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан 1990 йил ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж Хартиясида кўзда тутилган тинчлик ва фаровонлик истиқболларига хавф туғдириши эҳтимоллиги туфайли жорий этилди.

Ўн йилдан ортиқ муддат давомида тез суръатдаги фаолият давомида МОБК ўзи жалб этилган қатор Давлатларда эътиборини тортган ва озчиликларга тааллуқли бўлиб, даврий тарзда такрорланаётган баъзи муаммо ва масалаларни аниқлади. Мазкур масалалар қаторида озчиликлар таълими ва озчиликлар тилларидан фойдаланиш ҳам бўлиб, улар миллий озчиликларга тегишли шахсларнинг ўзлигини шаклланиши ва тараққиёти айниқса муҳимдир. Бошқа муҳим масалаларга миллий озчиликларнинг Давлатлар бошқарувида самарали иштироки ва телерадиоэфирда мулоқот воситаси сифатида озчиликлар тилларидан фойдаланиш киради. ЕХХТ ҳудудида тегишли озчиликлар ҳуқуқларини мувофиқ ва изчил бажарилишига эришиш мақсадида МОБК тўрт халқаро таниқли мустақил мутахассислар гуруҳларидан мазкур такрорланувчи масалалар бўйича тўртта йўриқнома ишлаб чиқишни сўради: **Миллий озчиликларнинг таълим ҳуқуқларига доир Гаага Тавсиялари (1996); Миллий озчиликларнинг лисоний ҳуқуқлари бўйича Осло Тавсиялари (1998); Миллий озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштироки бўйича Лунд Тавсиялари (1999) ва Озчиликлар тилларидан телерадиоузатувда фойдаланиш бўйича Тавсиялар (2003).** Мазкур ҳужжатлардан кейинчалик қатор Давлатларда қонунчилик органлари ва раҳбарлар томонидан қўлланма сифатида фойдаланилди. Мазкур тавсиялар бир неча тилларда МОБК идорасидан текинга олиниши мумкин ва куйидаги вебсайтда электрон шаклда мавжуд: www.osce.org/hcnm.

МОБК иштирок этган қатор вазиятларда пайдо бўлган яна бир муаммо кўп миллатли жамиятларда полиция фаолиятидир. Қатор Давлатларда МОБК полиция ва миллий озчиликларга тегишли шахслар орасида ҳамкорлик ва ўзаро ишлаш учун институциявий механизмлар йўқлигига дуч келди. Кўп миллатли жамиятда ишлаш учун зарур тайёргарлик берилмаслиги, кўпинча полиция шахсий таркиби бир миллат вакилларида иборат бўлганлиги ва камситувчи амалиётлар сабабли кўп ҳолларда полиция ҳаракатлари миллий озчиликлардан иборат жамоаларда салбий реакцияга олиб келган ва ҳатто низолар учун

катализатор бўлган. Бундан фарқли ўлароқ МОБК бошқа Давлатларда полиция шахсий таркибида ўзи хизмат қилаётган жамоа вакиллари сонини ошириш ҳамда полиция ва миллий озчилик жамоалари орасида мулоқотни ривожлантириш нафақат миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаши, балки яна полициянинг тезкор ҳаракатларининг самарадорлигини оширишини кузатган.

Полициянинг мазкур муҳим ролини эътиборга олган ҳолда МОБК полиция фаолиятига оид халқаро стандартлар ва амалиётларни таҳлили жараёнида қатнашмоқда. Бу мақсадда МОБК ЕХХТ Котибиятидаги Полиция Стратегик Масалалари Бўлинмаси билан маслаҳатлашган ҳолда Ройял Холловэй – Лондон Университети қошидаги Миллий Озчиликлар Масалалари бўйича Тадқиқотлар Марказида фахрий илмий ходим ва мустақил консультант доктор Робин Оклини ўзига маслаҳат бериш учун консультант этиб тайинлади ва тегишли халқаро ташкилотлар, полиция мансабдор шахслари, мустақил экспертлар ва мазкур соҳада алоҳида тажрибага эга бўлган нодавлат ташкилотлар вакиллари билан иборат малакали мутахассислар гуруҳини тузди. Мутахассисларнинг биринчи мажлиси МОБК билан 2005 йил июнида ўтказилиб, ундан сўнг октябрь ойида мажлис ва декабрда якуний мажлис ўтказилди. Мазкур жараённинг натижаси ўлароқ қуйида келтирилган кўп миллатли жамиятларда полиция фаолиятига оид тавсиялар тўплами ишлаб чиқилди.

Мустақил мутахассислар сифатида:

Жаноб Стив Беннет, Косоводаги ЕХХТ ваколатхонасида полиция таълими ва тараққиёти бўйича директор; Эльза Брендс Кэрис хоним, Инсон ҳуқуқлари ва этник тадқиқотлар бўйича Латвия Маркази директори; д-р Анастасия Крикли, Расизм ва ксенофобия бўйича Европа Мониторинг Маркази раиси; Франциск Гюллен, Испанияда Каталония ҳукуматининг Ички ишлар вазири ўринбосари ва штаб бошлиғи; Гронинген Университети Халқаро ва конституциявий ҳуқуқ кафедраси профессори Кристин Генрард; Македониянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки Қўмитаси Ижроий Кенгашидан др Гордан Калаждиев; Венгриянинг Миллий ва этник озчиликлар ҳуқуқлари бўйича парламент комиссари доктор Йено Калтенбах; Майкл Келлет, Европа Кенгашининг Полиция ва инсон ҳуқуқлари бўйича координаторлари Тармоғи вакили, Буюк Британиянинг Шимолий Ғарбий Минтақавий Қимматли Ресурсни Қайта Тиклаш гуруҳи раҳбари; доктор Робин Окли, мустақил консультант; Стиг Одорф, Европа Иттифоқи Кенгаши қошидаги Европа Иттифоқи Бош Котибияти Полиция бўлими; Тимоти Парсонс Нафрат туфайли жиноятлар бўйича эксперт; ЕХХТ Котибиятидаги Полиция Стратегик Масалалари Бўлинмасининг ЕХХТ ДИИҲИ Бағрикенглик ва Камситмаслик Дастурида

полиция масалалари бўйича маслаҳатчи Карл Петерссон; Россия Федерациясида Ҳарбий Қўмондонлар клуби бош директори ўринбосари, истеъфодаги полиция полковниги Иван Шушкевич; мустақил консультант Крис Тейлор, Нидерландия Полиция Академиясидан Ринус Виссер иштирок этишди.

Қуйидаги Тавсиялар мақсади, ундан аввалги Гаага, Осло, Лунд Тавсиялари ва Оммавий Ахборот Воситалари бўйича Йўриқнома каби Давлатлар томонидан миллий озчиликларга оид кескинликларни юмшатиш учун махсус чоралар кўриш ва бу орқали МОБКнинг низоларни олдини олиш индалло мақсадига хизмат қилишга қаратилган. Тавсиялар “кўп миллатли жамиятлардаги” “миллий озчиликлар” орасида полиция фаолияти учун тузилган. Мутахассислар фикрига кўра “миллий озчиликлар” тушунчаси кенг кўламдаги озчиликлар гуруҳлари, жумладан диний, лисоний, маданий ва этник озчиликларни ўз ичига олади. Аслида Тавсиялар мазкур барча гуруҳларга тегишли. Шу тарзда Тавсияларда баъзи жойларда “озчиликлар” сўзи “миллий озчиликларга тегишли шахслар” ибораси ўрнига қулай қисқартма сифатида фойдаланилади.

Тавсияларнинг мақсади аҳолининг барча табақалари, шу жумладан миллий озчиликларга тегишли шахсларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини мувозанатлаштириши ва қондириши олувчи, халқаро тажриба ва илғор амалиётга асосланган ва халқаро меъерлар ва стандартларга мувофиқ бўлган қонунчилик ва меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Давлатларга амалий кўмак ёрдам беришга қаратилган. Албатта Тавсиялар ҳар бир Давлатдаги муайян шароит, жумладан ҳозирда амалга оширилаётган полиция ислоҳотлари жараёни ва жойлардаги вазият каби омилларни эътиборга олган ҳолда татбиқ қилиниши зарур.

Тавсиялар қуйидаги мавзуларга мувофиқ олти бўлимга бўлиниб, улар йигирма учта алоҳида тавсияларни ташкил этади: умумий тамойиллар; кадрлар танлови ва вакиллик; тайёргарлик ва профессионал кўмак; этник жамоалар билан ҳамкорлик; тезкор фаолият; низо олдини олиш ва ҳал қилиш. Барча йўл-йўриқлар 1-қисмдаги Умумий Тамойилларга биноан талқин қилиниши лозим бўлиб, уларда яна Давлатлар учун мазкур соҳада ўз сиёсати ва қонунчиликни ривожлантириш зарурати қайд этилган ва тегишли йўл-йўриқлар берилган. 2-қисмдан 6-қисмгача ҳукуматлар, полиция органлари ва миллий озчиликларга муайян чоралар таклиф қилинади. Ҳар бир тавсия ёки йўриқнома бўйича батафсилроқ изоҳ илова қилинган Изоҳларда берилган бўлиб, уларда тегишли халқаро стандартларга оид ҳаволалар мавжуд ва ижобий амалиёт мисоллари келтирилган.

Тавсияларнинг асосий мавзуси шундаки, кўп миллатли жамиятларда самарали полиция фаолияти озчиликлар ва полиция орасида мунтазам мулоқот ва амалий ҳамкорликка қурилган ва ишончга асосланган муносабатлар ўрнатилишига боғлиқ. Барча тарафлар бундай муносабатлардан фойда кўришади. Озчиликлар полиция фаолияти ўз муаммоларига ҳамда шахсий муҳофаза ва одил судловни таъминлашга бўлган эҳтиёжларига кўпроқ эътибор беришидан фойда кўришади. Ижобий мулоқот ва ҳамкорлик ҳар қандай жамиятда полиция фаолияти учун зарур омиллиги сабабли, полиция ҳам ўз самарадорлиги ошганидан фойдаланади. Давлат озчиликларнинг интеграцияси ва ўз полицияси фаолиятининг самарадорлиги ошишидан фойда кўради. Озчиликларнинг интеграциясига интилаётган Давлатлар учун ва айти пайтда профессионал ҳамда халқ хизматига йўналтирилган полиция фаолияти учун мазкур Тавсиялар олдинга йўлни белгилаб беришади.

Умид қиламизки мазкур Тавсиялар кенг тарқатилади ва фойдаланилади.

КЎП МИЛЛАТЛИ ЖАМИЯТДА ПОЛИЦИЯ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

I. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР

1. Давлатлар полиция фаолиятининг миллатлараро муносабатларга таъсирини эътиборга олувчи сиёсат қабул этиши лозим. У миллий ва маҳаллий даражада озчиликларнинг интеграциясига қаратилган кенгроқ стратегиянинг бир қисми бўлиши зарур. Унинг татбиқига оид дастурлар полициянинг профессионал салоҳиятини ва аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини юксалтиришга қаратилган умумий фаолият билан ҳам мувофиқлаштирилиши ҳамда полиция фаолиятининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мос равишда, жумладан озчиликларга тегишли шахслар ҳуқуқларига амал қилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаши лозим.
2. Давлатлар полиция ва умуман жамият, шу жумладан озчиликлар, уйғун миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда полиция вазифаларининг аҳамиятини тушуниб етишини таъминлаши ва қўйилган вазифаларнинг татбиқи учун зарур воситаларни таъминлаши лозим. Сиёсий раҳбарият ва полиция раҳбарлари полициянинг бундай ўрнини қўллаб қувватлашларини жамоат олдида очиқ айтиши ва жамият мазкур ролни тушуниб етиб, қўллаб-қувватлашини тарғиб қилиши лозим.
3. Мазкур сиёсатни амалга ошириш ва унинг татбиқини мунтазам равишда кузатиб бориш учун давлат муассасалари ва полиция озчиликлар вакиллари билан яқин ҳамкорликда чоралар режаларини тузиб чиқиши лозим.

II. КАДРЛАР ТАНЛОВИ ВА ВАКИЛЛИК

4. Маҳаллий, минтақавий ва миллий даражаларда ҳамда юқори ва қуйи мансабларда ҳамда фуқаро ходимлар орасида ҳам полиция шахсий таркиби, аҳолининг миллий хилма-хиллигини акс эттириши лозим. Полициянинг турли миллат вакилларидан ташкил топган муассаса сифатида қиёфасини олға суриш лозим.
5. Полиция вакиллик хусусиятларини оширишга қаратилган статистика вазифалари белгилаб олиниши ва олға силжишни ўлчаш мақсадида полициянинг этник таркиби мониторинги жорий этилиши лозим.

6. Етарли даражада вакилликка эга бўлмаган озчиликлар орасидан кадрлар танлаш ташаббусларини жорий этиш лозим. Улар қаторига ҳоҳловчиларни рағбатлантириш ва тегишли стандартларга жавоб беришда уларга ёрдам бериш ҳамда бевосита ёки билвосита камситувчи тўсиқларни йўқотишга қаратилган.
7. Миллий озчиликлардан чиққан полиция ходимлари ҳуқуқ муҳофазаси органларига қабул қилиниши, уларга тенг муносабат билдирилиб, ҳолисона иш муҳити яратилиши ва ўз мансаб поғоналарида кўтарилиши учун тенг имкониятларга эга бўлиши лозим.

III. ТАЪЛИМ ВА ПРОФЕССИОНАЛ КЎМАК

8. Озчиликларга хос бўлган нозик масалаларни тушуниш ва тегишли тарзда ҳаракат қилиш ҳамда уйғунликни таъминлаб ва кескинликларни камайтирувчи тарзда ўз ҳуқуқ муҳофазаси вазифаларини самарали тарзда бажара олиши учун полиция зарур тайёргарлик ва профессионал кўмакка муҳтождир.
9. Озчиликлар масалалари ва миллатлараро муносабатлар бўйича таълим хизматдан аввал ва хизмат давомида таълим жараёнига қўшилиши ҳамда юқори ва қуйи мансабдаги полиция ходимларига ҳам таъминланиши тавсия этилади. Таълимни режалаштириш ва амалга оширишда озчиликлар вакиллари иштирок этиши зарур.
10. Полиция ахлоқ кодексига кўп миллатли жамиятларда полиция фаолиятининг профессионал стандартлари киритилиши, ва полиция таълими дастурларида мазкур стандартларга етишга қаратилган қисмлар бўлиши зарур. Мазкур стандартларнинг бузилишига қарши чоралар кўрилиши ҳамда намунавий амалиёт иш жойида ва жамиятда эътироф этилиши зарур.
11. Полиция мансабдор шахслари ва раҳбарларига ўз ходимлари озчиликлар билан ишлашда мазкур стандартларга мувофиқлигини таъминлаш вазифаси юклатилиши ҳамда улар ўз ишида ижобий амалиёт намунаси бўлиши ва йўлбошчилик қилиши тавсия қилинади.

IV. ЭТНИК ЖАМОАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

12. Полицияга озчиликлар билан мулоқот ва ҳамкорлик услублари ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда биргалиқда маҳаллий, минтақавий ва

миллий даражаларда ишончни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилиши лозим.

13. Полиция озчиликлар билан озчиликлар тилларида муомала қилиш имкониятига эгаллиги, иложи борича кўп тил билувчи ходимларни ишга олиш ва тайёрлаш ҳамда малакали таржимонлардан фойдаланиши таъминланиши лозим.
14. Полиция ўзлари билан мулоқот ва ҳамкорлик учун озчиликларни қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши, масалан, кадрлар ёллаш масаласи ва озчиликлар масалаларига оид таълим ташаббусларида ҳамкорлар сифатида фаол ўрин тутиши лозим. Озчиликлар ўз навбатида жамоа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва одил судловни таъминлаш учун полиция билан мулоқот ва ҳамкорликка тайёр бўлиши лозим.
15. Полиция жамоанинг барча қатламларига тегишли инсонлар олдида ўз ҳаракатлари учун демократик равишда ҳисобдор бўлишини таъминлаш учун механизмлар яратилиши тавсия этилади. Улар ўз ичига миллий озчиликларга тегишли шахслар ҳам фойдалана оладиган шикоят қилиш ва тегишли чора кўрилишини назорат қилиш учун самарали тизимларни киритиши зарур. Жамоанинг барча қатламлари полицияга нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, полиция ваколатлари ва кўрсатиши лозим бўлган хизматларни тушуниб етиши лозим.

V. ТЕЗКОР ФАОЛИЯТ

16. Полиция қонунни холисона ва камситмовчи тарзда, бирор гуруҳни ажратмасдан, масалан “ирқий белгиларга кўра ажратиш”сиз татбиқ этиши учун чоралар кўриш зарур. Бундай чоралар қаторига тезкор фаолият амалиётлари, масалан, полициянинг одамларни кўчада ва бошқа жамоат жойларида тўхтатиб, тинтув қилиш каби ваколатларига доир ахлоқ кодекслари киради.
17. Жамоа хавфсизлиги ва одил судловни таъминлаш мақсадида полиция миллий озчиликларга тегишли шахслар жиноят ҳақида хабар беришини рағбатлантириш учун чоралар кўриши лозим.
18. Кўп миллатли ҳудудларда мунтазам равишда патруль хизматини ўташда жамоа ишончини қозониш ва тезкор фаолият самарадорлигини ошириш учун полиция имкони борича турли миллатлар вакилларида иборат гуруҳлар тузиши лозим. Полиция яна ўз тактикаси ва ва ташқи кўриниши (масалан, сони, қуроолларнинг кўриниши ва хизмат формаси) вазифа учун

мувофиқлиги ва заруратсиз қўрқув ва кескинлик уйғотмаслигини таъминлаши лозим.

19. Полиция камситишга қарши қонун фаол ва самарали тарзда татбиқ этилишини таъминлаши лозим. Айниқса, полиция этник нафрат сабаб бўлган жиноятлар ҳақида хабар беришни рағбатлантириши ҳамда уларнинг тўлиқ қайд этилиши ва текширилишини таъминлаши лозим.
20. Давлатлар жиноят қурбонларини қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат механизмлари миллий озчиликларга оид шахслар учун ҳам тенг ва самарали равишда мавжуд бўлишини таъминлаши лозим.

VI. НИЗО ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ

21. Полицияга миллатлараро низоларга олиб бориши мумкин бўлган кескинликларни аниқлаш ва иложи бўлса камайтириш мақсадида озчиликлар билан муносабатларни шакллантиришда фаол ўрин тутиш вазифаси юклатилиши ва таълим берилиши лозим.
22. Полиция фуқаролар тартибсизликлари ва миллатлараро низо вазиятларини профессионал ва бетарафлик билан ҳал этиш ҳамда низоларни сусайтириш ва иложи борича музокаралар орқали ва минимал куч ишлатиш орқали ҳал қилиш учун зарур тайёргарликдан ўтиши ва жиҳозланиши лозим.
23. Айниқса маҳаллий даражада миллатлараро низолар олдини олиш ва ҳал этишга оид ўз чоралари озчиликларнинг интеграцияси ва муваффақиятли кўп миллатли жамият қуришга қаратилган кенгроқ чоралар билан мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун полиция бошқа давлат муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим.

КЎП МИЛЛАТЛИ ЖАМИЯТЛАРДА ПОЛИЦИЯ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАРГА ИЗОҲЛАР

I. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР

1. *Давлатлар полиция фаолиятининг миллатлараро муносабатларга таъсирини эътиборга олувчи сиёсат қабул этиши лозим. У миллий ва маҳаллий даражада озчиликларнинг интеграциясига қаратилган кенгроқ стратегиянинг бир қисми бўлиши зарур. Унинг татбиқига оид дастурлар полициянинг профессионал салоҳиятини ва аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини юксалтиришга қаратилган умумий фаолият билан ҳам мувофиқлаштирилиши ҳамда полиция фаолиятининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мос равишда, жумладан озчиликларга тегишли шахслар ҳуқуқларига амал қилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаши лозим.*

Кўп миллатли жамиятда ижобий миллатлараро муносабатлар ва миллий озчиликларга тегишли шахсларнинг интеграцияси барча этник гуруҳлар томонидан давлат фаолиятини қонуний ва самарали деб билишига боғлиқ¹. Айниқса полициянинг “олдинги қатордаги” ва энг кўзга кўринарли ҳуқуқ муҳофаза органи сифатида ўрни жуда муҳим, яъни полиция озчиликлар учун адолат посбонларидир. Полиция қонунни холисона татбиқ этади, адолат ва жамоа хавфсизлигини таъминлайди деб ҳисобловчи озчиликлар давлатга ҳурмат билан муносабатда бўлиши эҳтимоллиги баланддир; полиция ва бошқа масъул давлат муассасалари озчиликлар кўзида ўз ҳаракатларининг қонунийлигини намойиш эта олмаслиги норозилик, қўрқув ва экстремизм гуллаб-яшнайдиган муҳитга олиб келади.

Миллий, минтақавий ёки маҳаллий даражадан қатъи назар, полицияни қонуний ва самарали деб тан олиниши полиция ва озчиликлар орасида ижобий мулоқот, амалий ҳамкорлик ва ишончга асосланган муносабатларга боғлиқ. Бундай муносабатларнинг ўрнатилиши нафақат миллатлараро муносабатларни ривожлантиради, балки яна полиция фаолиятининг самарадорлигини оширади. Тажрибага асосланган қуйидаги тавсиялар

¹ Тавсияларда “кўп миллатли жамиятларда” “миллий озчиликлар”га тааллуқли полиция фаолияти тўғрисида сўз боради. Мутахассислар нуқтаи назарида “миллий озчиликлар” тушунчаси кенг миқёсдаги озчиликлар гуруҳлари, жумладан диний, лисоний, маданий ва этник озчиликларни қамраб олади. Аслида Тавсиялар мазкур барча гуруҳлар учун тааллуқлидир. Шу аснода айтиш зарурки, Тавсиялардаги баъзи жойларда “озчиликлар” сўзи “миллий озчиликларга тегишли шахслар” ибораси ўрнига қулай қисқартма сифатида ишлатилади.

Давлатларга шундай муносабатларга эришишда ёрдам беришга мўлжалланган.

Ҳукуматлар самарали ва демократик кўп миллатли жамиятни қуриш ва авайлашда полициянинг ўрни ҳақида аниқ тушунчани ифодалаш орқали ўз йўлбошчилигини намойиш этиши лозим. Ижтимоий жиҳатдан парчалаб юбориши ёки сиёсий рақобат нишони бўлиши мумкин бўлган полиция фаолияти ва озчиликлар масалаларига оид ўз сиёсатида кўп партиявий ва кўп миллатли консенсусга эришиш учун улар кенг равишда консултациялар ўтказиши лозим. Уларнинг татбиқи учун зарур сиёсат ва чоралар расмий “сиёсий баёнотларда” аниқ ифодаланиб, уларни сиёсий раҳбарлар очиқчасига қўллаб-қувватлаши ҳамда қонунчилик ва бошқа воситалар орқали амалга оширилиши зарур.

Полиция фаолиятига оид сиёсат интеграцияни тарғиб қилиш ва кўп миллатли жамиятни қуришга қаратилган кенгроқ миқёсдаги миллий стратегиянинг бир қисми бўлиши зарур. Улар қаторига озчиликларга тегишли шахсларнинг давлатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида иштирокини рағбатлантирувчи чоралар, шу жумладан таълим, лисоний, сиёсий вакиллик, телерадиоэфирдан фойдаланиш масалалари ҳамда камбағаллик ва ажратмачиликка қарши кураш кириши лозим. Интеграциянинг кенгроқ жиҳатлари бўйича олға силжиш кўп миллатли муҳитда полиция фаолияти учун зарур чораларни жорий этишни осонлаштиради.

Кўп миллатли жамиятда полиция фаолиятига оид сиёсат полицияни ривожлантириш дастурларининг ажралмас, шу билан бирга аниқ мақсадли ва белгиланган қисми бўлиши лозим. Ишончга асосланган ижобий мулоқот ва ҳамкорлик кўпчилик ва озчиликни ташкил қилувчи жамоалар учун самарали полиция фаолиятининг асосий талабидир. Репрессив ёки “назоратга асосланган” ёндашувда асосий инсон ва озчилик ҳуқуқларига эътибор бермаслик ёки бузилиши полиция ва озчиликлар орасида ижобий муносабатларнинг ривожланиши учун асос яратиб бера олмайди.

Полициянинг демократлашганлиги ва профессионаллиги ҳамда полиция фаолиятининг хизмат кўрсатишга қаратилган ва инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашуви ҳамда маҳаллий даражадаги “жамоада полиция фаолияти” муваффақиятли демократик кўп миллатли жамиятни қуришда ўз ролини ўйнашга имкон бериш учун зарур шартлардир².

² Инсон ҳуқуқларига оид тегишли халқаро меъерлар ва стандартларнинг тафсилотлари учун *БМТнинг Ҳуқуқ Муҳофазаси учун Масъул Мансабдор Шахслар учун Ахлоқ Кодекси* (1979), вебсайт <http://www.uncjin.org/Standards/Conduct/conduct.html> ва Европа Кенгаши қабул қилган *Европа Полиция Этикаси Кодекси*га (2001) қаранг, вебсайт http://www.coe.int/T/E/Legal_Affairs/Legal_co-operation/Police_and_internal_security/Documents/_Intro_Documents.asp#P234_5187. Мазкур ҳужжатларда халқаро инсон ҳуқуқларига мувофиқ профессионал полиция фаолиятига оид муайян халқаро стандартлар белгиланган. Мазкур

2. Давлатлар полиция ва умуман жамият, шу жумладан озчиликлар, уйғун миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда полиция вазифаларининг аҳамиятини тушуниб етишини таъминлаши ва қўйилган вазифаларнинг татбиқи учун зарур воситаларни таъминлаши лозим. Сиёсий раҳбарият ва полиция раҳбарлари полициянинг бундай ўрнини қўллаб қувватлашларини жамоат олдида очиқ айтиши ва жамият мазкур ролни тушуниб етиб, қўллаб-қувватлашини тарғиб қилиши лозим.

Ижобий этник гуруҳлараро муносабатларни ривожлантиришда полициянинг салоҳиятини юксалтиришга қаратилган меъерий чораларнинг татбиқи оддий техник машқ бўлиб қолмай, сиёсий маданиятда ҳам ўзгаришни талаб қилади. У сиёсатчилардан ва полициядан ташкилотнинг барча даражаларида тушунча ва садоқатни талаб қилади. Полиция ташкилотида шаклланган маданият мазкур масалалар ечимида дўстона бўлмаслиги мумкин: уларга қарши бўлиши ва умуман ўзгаришга қаршилиқ қилиши мумкин. Бундан ташқари полиция (англаган ёки англамаган ҳолда) ўзларини асосий этник гуруҳ вакили ва унинг манфаатлари ҳимоячиси сифатида кўриши мумкин ва шу сабабли бундай сиёсатга энтиқиб қутилмаган хавф сифатида қараши мумкин. Яна баъзи этник гуруҳларга эксплуатация йўсинида муомала қилиши, масалан, ёрдамга муҳтож этник гуруҳлардан пора талаб қилиш амалиёти каби полиция коррупцияси шакли нафақат халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларига зид, балки полициянинг ижобий этник гуруҳлараро муносабатларни ривожлантириш имкониятини жиддий тарзда емиради.

Шу сабабли сиёсий раҳбарлар томонидан полиция мансабдор шахслари ижобий этник гуруҳлараро муносабатларни ривожлантиришда ўз ролининг муҳимлигини тўлиқ тушуниб етиши ва уларнинг татбиқига тўлиқ содиқлигини таъминланиши ўта муҳим. Уларга нафақат ташқарида, балки полиция органи ичида ҳам ижобий этник муносабатларни ривожлантириш, шу жумладан этник ва бошқа сабабларга кўра камситишга йўл қўймаслик (агар йўл қўйилса, уни самарали тарзда ҳал қилиш) ҳам киради. Ўз навбатида полиция раҳбарлари томонидан ҳамма полиция ходимлари - барча минтақаларда, ҳамма мутахассислар ва барча мансаб поғоналарида мазкур роль ва унинг кундалиқ амалиётга таъсирини баҳолай олишини таъминлаши зарур. Барча даражалардаги полиция раҳбарлари томонидан мазкур ролни қўллаб-

стандартлар озчиликлар ва миллатлараро муносабатларга оид барча полиция амалиёти ва сиёсати учун асос бўлиб, полиция раҳбарлар доим мазкур стандартларга амал қилинишини хушёрлик билан кузатиши зарур. Кўп Миллатли Жамиятда Полиция Фаолиятига оид Роттердам Хартияси (1996), вебсайт <http://www.rotterdamcharter.nl>, ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлмаган ҳужжат бўлиб, бутун Европадан полиция, маҳаллий давлат идоралари ва ННТлар вакиллари томонидан биргаликда тузилган ва амалий тажрибага асосланган умумий йўл-йўриқлар таъминлайди. Озчиликларга тааллуқли полиция фаолияти сиёсати Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси ва Европа Кенгашининг Миллий Озчиликлар Муҳофазаси учун Асосий Конвенцияда (1994), вебсайт http://www.coe.int/T/E/human_rights/minorities/ белгилаб ўтилган умумий ҳуқуқларни эътиборга олиши зарур.

қувватлаш ҳақида яққол баёнотлар қилиниши ва таълим давомида ҳар доир урғу берилиши зарур. Мазкур ролни емирувчи, баъзи этник гуруҳларни маъқул кўрувчи ёки озчиликларни эксплуатация қилиб, камситиб ёки душманларча муносабатда бўлишга йўл қўймаслик зарур. Сиёсатчилар ҳам полиция раҳбарлари ҳам ичкаридан ва ташқаридан этник хилма-хилликни дўстона ва ҳурмат билан ёндашувчи маданиятни шакллантиришга интилиб, бунда полиция ўзларини муваффақиятли кўп миллатли жамият яратишда ибрат олишга арзигулик ижобий қатнашчилар сифатида кўришига интилиши лозим (яна 7-тавсияга қаранг).

3. Мазкур сиёсатни амалга ошириш ва унинг татбиқини мунтазам равишда кузатиб бориш учун давлат муассасалари ва полиция озчиликлар вакиллари билан яқин ҳамкорликда чоралар режаларини тузиб чиқиши лозим.

Сиёсат ва чоралар самарадорлиги ва белгиланган натижаларга эришилишини билиш муҳимдир. Айниқса, озчиликларда олға силжиш мавжудлиги ёки йўқлигини билиш нияти кучли бўлади. Тўғри ахборот йиғилаётганлиги ва тақдим қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Чоралар режалари ва мониторинг мазкур қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам бериши мумкин. Мазкур сиёсатни татбиқ қилиш учун чоралар режалари:

- Тавсияларда белгиланган барча чоралар соҳаларини ўз ичига олувчи комплекс ёндашув;
- Муайян муаммолар таҳлили ва полиция озчилик муносабатларига асосланган бўлиши лозим: бу мақсадда мустақил тадқиқот ўтказилиши зарур бўлиши мумкин;
- Полиция фаолияти ва озчиликларга тааллуқли сиёсат татбиқи учун (давлат ва полиция органидаги) масъул шахсларни аниқлаш ва вазифа юклаш;
- Зарур ишни амалга ошириш ёки мувофиқлаштириш учун керакли постлар ёки бўлинмаларни тузиш;
- Етарли молиявий ва бошқа ресурслар таъминотини қўшиш;
- Полиция (масалан, профессионал уюшмалар орқали) билан озчиликлар орасида (масалан, ННТлар) барча босқичларда доимий консультация ва ҳамкорликни таъминлаш.
- Биринчи қадам сифатида маҳаллий пилот лойиҳаларини тузишни кўзда тутиш.

Полиция фаолияти ва озчиликларга оид сиёсат татбиқининг мунтазам равишда мониторингини ўтказиш ҳам ўта зарур. Ҳукумат ва полиция мансабдор шахслари буни мунтазам равишда ўз маъмурий мақсадларида

қилиши лозим ва жамият учун очиқ бўлган ҳисоботлар чоп этиши лозим. Лекин жамоат ишончини мустаҳкамлаш ва демократик масъулиятни таъминлаш учун мазкур мониторинг мустақил орган томонидан юргизилиши лозим. Мазкур ролни парламентнинг инсон ҳуқуқлари институтлари (масалан, парламент комиссиялари ёки омбудсманлари) ёки бошқа давлат назорат муассасалари ўйнаши мумкин. Мазкур муассасалар давлат мансабдор шахсларини саволга тутиш ва очиқ мажлис ўтказишга ҳақлидир ва уларнинг ҳисоботлари ҳам жамоат учун очиқ бўлиши лозим. Мазкур сиёсатнинг татбиқининг мониторингида қўлланилган услублардан қатъи назар озчиликлар ҳам полиция билан ҳам самарали тарзда консултация ўтказилиши, уларнинг фикрлари ва тажрибалари қайд этилиши ҳамда ҳисоботлар ва тавсияларни тайёрлашда қўлланилиши зарур. Ўзининг очиқ фикр юритувчи ва илғор ташкилот бўлиши учун фойдаларини назарда тутган ҳолда полиция бундай мустақил текширувларни қаршилик билан эмас, қутлов билан кутиб олиши лозим. Агар хатолар ёки муваффақиятсизликлар бўлса, уларни яшириш эмас, истиқбол учун ижобий сабоқлар сифатида ҳам таҳлил қилиниши зарур. Бундай сиёсий меъерларни ишлаб чиқиш ва татбиқи шошилиб эмас, маълум муддат давомида қадам бақадам ёндашувга асосланиши зарур³.

II. КАДРЛАР ТАНЛОВИ ВА ВАКИЛЛИК

4. *Маҳаллий, минтақавий ва миллий даражаларда ҳамда юқори ва қуйи мансаблардаги полиция шахсий таркиби ва фуқаро ходимлари аҳолининг хилма хиллигини акс эттириши лозим. Полициянинг этник вакилликка эга бўлган қиёфаси фаол тарзда тарғиб этилиши лозим.*

Полиция ташкилотида озчиликларнинг тенг вакиллиги қатор сабабларга кўра муҳимдир:

- a) Одамлар полицияга ишга кириб, мансаб поғонасида олға силжиган сари барча этник гуруҳларнинг аъзолари тенг имкониятга эгаллиги белгиси сифатида;
- b) Давлатнинг ижтимоий сиёсий ҳаёти ва унинг муассасаларида иштироки орқали озчиликларнинг интеграциясини рағбатлантириш⁴;

³ Полиция ислоҳоти дастурларига оид қўшимча ахборот ва маслаҳат учун Европа Кенгашининг Полиция ва Инсон Ҳуқуқлари Дастурига, айниқса “Демократик жамиятда полиция фаолияти – сизда полиция хизмати инсон ҳуқуқлари ҳимоячисими?” номли нашрига қаранг. Тегишли вебсайт: http://www.coe.int/t/e/human_rights/police/2._publications/

⁴ ЕХҲТ МОБКнинг “Миллий Озчиликларнинг Ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирокига оид Лунд Тавсиялари ва Изоҳлар” (1999)га қаранг, қуйидаги вебсайтда бир неча тилларда берилган: <http://www.osce.org/hcnm/documents.html>

- c) Полиция ташкилотини ичкарисидан кўп миллатли жамоада ишлаш учун зарур қатор билим ва кўникмалар (жумладан лисоний кўникмалар) билан таъминлаш йўлидир;
- d) Самарали мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳолда озчилик жамоалар билан муносабатларни шакллантиришда полицига ёрдам бериш воситасидир.

Мазкур барча сабабларга кўра полициянинг вакиллигини юксалтириш асосий устувор йўналиш деб ҳисобланиши лозим. Бу Миллий Озчиликлар бўйича Асосий Конвенция учун Европа Маслаҳат Қўмитасининг Кенгаши Хулосасида тасдиқланган⁵. Полиция нафақат этник жиҳатдан вакилликка эга ташкилот сифатида ўз қиёфасини тарғиб қилиши, балки буни ҳақиқатга айлантириш учун кўрилаётган чораларни чоп этиш лозим (масалан, 12-Тавсияга кўра белгиланган услублар). Улар мазкур чоралар кичикроқ ва эътибордан четда қолган озчиликлар ҳамда каттароқ ва жипслашганроқ гуруҳларни ҳам қамраб олишига интилиши лозим. Мазкур чоралар яна барча полиция фаолиятида озчиликларга нисбатан адолат ва ҳурмат билан муомала қилиниши ҳамда озчиликлар полиция ташкилотини ишга кириш учун мақбул жой деб ҳисоблашини таъминлаши зарур.

Полициянинг кўп миллатли хусусияти барча минтақаларда мавжуд ва кўринарли бўлиши муҳимдир. Бу бир миллат ҳамда кўп миллат вакиллари яшовчи ҳудудлар ва айниқса озчиликлар аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи минтақаларда ҳам муҳим. Яна озчиликлар вакиллари нафақат қуйи лавозим, балки юқори мансабларда бўлиши ҳам муҳимдир. Бу нафақат юқори мансабга эришиш учун имкониятлар барча гуруҳлар учун мавжудлигини кўрсатади, балки олий ижро даражаларида стратегик қарор чиқаришда озчиликлар нуқтаи назарини ҳам қўшади ва полиция ўз бошқарувида ҳақиқий кўп миллатли ташкилот эканлигини билдиради. Полиция муассасалари қисқа муддат давомида бевосита юқори мансабларга озчилик вакилларини олиш имконияти бўлмасада, тегишли тажрибага эга озчиликлар вакилларини мутахассис маслаҳатчи сифатида жалб этиб, полиция фаолиятининг бошқарувида миллий озчиликлар нуқтаи назарини олиб киришнинг муқобил услуби сифатида фойдаланиш мумкин.

- 5. *Полициянинг вакиллигини юксалтириш учун статистик мақсадлар белгиланиши ва олға силжишни ўлчаш учун полициянинг этник таркиби кузатуви жорий этилиши лозим.*

⁵ Тегишли вебсайт: http://www.coe.int/T/E/human_rights/minorities/

Полициянинг этник таркиби аҳолини акс эттиришини таъминлаш учун стратегик ёндашув қабул қилиниши лозим. Мўлжалдаги этник таркиб етиш учун мўлжал сифатида белгиланиб, белгиланган муддат давомида етиш мумкин бўлган муваққат мўлжаллар белгиланиши лозим.

“Мўлжаллар” “квота”лардан яққол фарқланиши лозим. Мўлжаллар алоҳида гуруҳлар вакиллигини ошириш бўйича мақсад ёки вазифа бўлиб, уларга турлича йўл билан эришиш мумкин. Танлов жойида шахслар учун тенг имкониятларни таъминлаш услубларига мисоллар 6-Тавсия да келтирилган. Шахсий таркиб аҳолининг этник вакили бўлишини таъминлашда мўлжаллардан фойдаланиш ижобий амалиётдир. Квоталар танлов жараёнида алоҳида гуруҳлар банд қилиши зарур жойларнинг ҳиссасидир. Озчиликларни ёллашда мақсадларга етиш учун квоталардан фойдаланиш ноҳақлик ҳақида шикоятларга олиб келади, стандартларнинг пасайиш хавфини туғдиради ва иложи борича улардан фойдаланмаслик лозим.

Лекин алоҳида ҳолатларда квоталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва асосланган бўлиши мумкин. Масалан, кўп миллатли Давлатда полиция ислоҳоти дастурининг бир қисми сифатида умуман ёки аксарият янги полиция кадрлари олинганда, мазкур кадрларнинг бошдан умумий аҳолининг миллий таркибини акс эттириши самарали ва мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда этник квоталарни белгилаш ва тўлдириш, айниқса танлов ва тайёргарликнинг бошланғич босқичларида мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин бўлиб, унда барча гуруҳлар аъзолари учун полиция ходими деб тайинлангандан бошлаб минимал профессионал стандартларга амал қилиши таъминланиши лозим. Лекин этник квоталардан фойдаланиш фақат ўтиш даври учун эътиборга олиниб, ундан сўнг мўлжалларга бошқа воситалар билан етиши мақсади қўйилиши лозим.

Мазкур мўлжалларга етилганини текшириш мақсадида маълумотлар йиғиш зарур. Давлатлар мазкур ҳар бир вазифа учун қайси органлар масъуллигини белгилаши ва тегишли тарзда масъулиятни тақсимлаши зарур. Бундай “этник мониторинг” халқаро ҳуқуқ ва давлатнинг меҳнат қонунчилигига мувофиқликни таъминлаш учун кадрлар ресурсларининг мониторингига боғланиши ёки сингдирилиши зарур.

Этник маълумотларни йиғиш нозик ва баҳс туғдирувчи масала бўлиб, баъзи давлатлардаги ахборот муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар миллат тўғрисида маълумот йиғишга тўсқинлик қилади. Лекин Давлатлар ушбу масалани четлаб ўтмаслиги лозим ва мазкур маълумот шахсий ахборот ва ўз шахсини белгилаш (ҳар бир инсоннинг озчиликка тегишли ёки тегишли эмаслиги сифатида муомалани танлаш ҳуқуқи) ҳуқуқларига оид Европа стандартларини эътиборга олган ҳолда йиғилиши ва қайта ишланиши лозим. Этник

маълумотларнинг анонимлиги таъминланиб, статистик маълумотларга айлантирилиши ва унинг шахсий маълумотлар базаларига қайта уланишига йўл қўймаслик лозим. Мазкур кафолатларни таъминлаган ҳолда шахслар ҳуқуқлари поймол қилинмаслиги лозим. Лекин бундай маълумотларсиз Давлатлар учун полициянинг миллий вакиллигини такомиллаштириш учун кўрилаётган чоралар зарур таъсир кўрсатаётганини кузатиш мумкин бўлмас эди.

6. *Етарли вакилликка эга бўлмаган озчиликларнинг ёллашни кўпайтириш ташаббусларини жорий этиш лозим. Улар номзодларни рағбатлантириш ва белгиланган стандартларга етишда уларга ёрдам бериш ҳамда бирор бевосита ёки билвосита камситувчи тўсиқларни йўқотишга қаратилган махсус чораларни ўз ичига олиши лозим.*

Озчиликларнинг полицияда вакиллиги камлиги қатор сабаблар туфайли бўлиши мумкин. Улар қаторига имкониятлардан беҳабарлик, таълим учун имкониятлар йўқлиги, ўтмишда мазкур жамоаларда полиция содир этган ҳуқуқбузарликлар ва танлов жараёнларида бевосита ёки билвосита камситиш киради. Агар озчиликларни ёллаш кўрсаткичини ошириш учун, бирор Давлатда кам вакиллик учун сабабларни таҳлил қилиш ва махсус чоралар орқали ҳал қилиш лозим.

Мақсадга мувофиқ бўлувчи махсус чоралар қуйидагича:

- a) Полицияда ишлаш имкониятлари ҳақида озчиликлар жамоаларида маълумотни кўпайтириш, полициянинг ижобий қиёфасини яратиш ва қизиққан шахсларни ҳужжат топширишга рағбатлантириш. Бундай ташаббусларга варақалар тарқатиш, радио ва телевидениедан (жумладан рекламадан) фойдаланиш, полиция томонидан мактаб ва жамоа марказларига ташрифлар (жумладан маданий ва диний марказларга), ёшлар учун полиция станциялари ёки тайёргарлик мактабларига келиш имкониятлари ҳамда жамоа раҳбарлари ва миллий уюшмалар/ННТлар учун қўшма ташаббуслар киради. Мазкур услублардан кўпи ёки барчасидан фойдаланган ҳолда мақсадли ёллаш кампанияларини аниқса кам вакилликка эга гуруҳларга қаратиш мумкин.
- b) Талабга мувофиқ ва салоҳиятли номзодларда таълим етишмаслиги муаммосини ечиш чоралари. Булар вақтинчалик танланган номзодларни талаб қилинувчи даражага етказиш учун интенсив қисқа курслар бўлиши мумкин.

- с) Танлов ва ёллаш жараёнида озчиликлар вакилларига қарши камситишнинг сабабларини аниқлаш ва чора кўриш. Бунга мазкур масалалар учун масъул шахсларнинг адолатли танлови ва ёлланиши учун тайёргарлик кириши мумкин; озчиликлар номзодлари камситилмаслиги ёки заруратсиз ноқулай ҳолга туширилмаслиги учун ўрнатилган тартибни қайта кўриб чиқиш ва улар тўлиқ асослангани ҳамда озчиликларни билвосита ноқулай мавқега қуювчи тўсиқлар ўрнатмаслик кириши мумкин.

Мазкур ташаббусларни жорий этаётганда озчиликлардан номзодларнинг полицияга ишга киришида стандартларни пасайтирмаслик муҳимдир. Этник кўпчиликларга тегишли шахслар (ва оммавий ахборот воситалари) баъзан стандартлар пасайтириляётгани тўғрисида шубҳаланиб, озчиликларга алоҳида имтиёзлар берилганида ўзларини камситилган деб ҳис қилиши мумкин. Полиция ходимлари бундай ҳолат рўй бермаётганлигини тушунтириши лозим. Стандартлар пасайтирилмаслигини айниқса озчиликлардан чиққан полиция ходимлари энг кўп ҳоҳлашади, чунки улар ўзларига “иккинчи тоифали полиция ходимлари” деб қаралишини ҳоҳлашмайди.

- 7. Озчиликлардан чиққан полиция ходимлари полиция ташкилотига қабул қилиниши ва тенг муносабатга сазовор бўлиши учун чоралар кўрилиб, уларга ҳолисона иш муҳитини яратиши ва мансаб поғонасида кўтарилиш учун тенг имкониятлар берилиши лозим.*

Полициянинг этник вакиллигини юксалтириш учун кадрлар танловининг ўзига эътибор етарли эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, агар озчиликлар ташкилотда ўзларига тенг муносабатда ва ҳурмат билан муносабат кўрсатилганлигини ҳис этишмаса ва манса поғонасидан кўтарилиш учун тенг имкониятга имконият бўлмаса, улар полицияда ишни ташлаб кетишади. Бу тенденция айниқса озчиликларни ёллашнинг эрта босқичларида, уларнинг сони оз ва озчиликлардан чиққан ходимлар жамоаларининг бошқа аъзоларидан ажратилган деб ҳис қилганида рўй бериши мумкин. Этник озчиликлардан чиққан аёл полициячилар, ўзларининг жинс ва миллати сабабли “икки тарафлама озчилиги” сабабли ўхшаш босимга дуч келиши мумкин.

Шу сабабларга кўра ҳолис иш муҳити бўлиши, яъни озчиликлардан чиққан полиция ходимлари тенг ва мустақил шахс сифатида қабул қилиниши ҳамда ўз этник келиб чиқиши сабабли бирор камситиш ёки салбий стереотипга дучор бўлмаслиги лозим. Лекин бу муҳитда яна турли гуруҳларнинг эҳтиёжлари, урф-одатлари ва динига сезгирлик билан муносабатда бўлиши

лозим (масалан, кийим, дастурхон, ҳамда ибодат ва муқаддас кунларга нисбатан). Озчиликлардан чиққан полиция ходимлари ўз мансаб поғонасида кўтарилишини рағбатлантириш ва қўллаб қувватлаш учун ижобий чоралар ҳам кўрилиши лозим: бунга махсус малака ошириш дастурлари ҳамда кўтарилиш учун салоҳиятга эга бўлганлар учун “устозлик” таъминланиши ҳам мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга самарали ички шикоят механизмлари мавжудлиги муҳим бўлиб, камситишга учраган полиция ходимлари бундай хатти-ҳаракатни жимликда бошдан кечирмаслиги учун лозим. Раҳбарлар бундай муаммолардан хабардор бўлиши ва уларни бевосита ҳал этиш учун камситиш ёки этник сабабларга асосланган ҳаракатларга дуч келганида озчиликларни шикоят қилишга рағбатлантириши лозим.

Уларга таъсир қилувчи алоҳида муаммоларни эътиборга олган ҳолда озчиликлардан чиққан полиция ходимлари ўз касбий уюшмалари тузиш учун бирлашишнинг фойдаси борлигини сезиши мумкин. Полиция муассасалари бундан ташаббусларни қўллаб қувватлаши ва уларнинг шаклланишига кўмаклашишга тайёр бўлиши лозим. Бундай уюшмаларни тузиш инсон ҳуқуқидир ва улар озчиликлардан чиққан полициячиларга, айниқса уларнинг сони оз ва географик жиҳатдан чекланган бўлса, ўзаро шахсий кўмак таъминлаши мумкин. Улар яна полиция муассасалари ва озчиликлардан бўлган полиция ходимлари орасида мулоқот канали ҳамда озчиликлар масалалари бўйича давлат муассасалари учун қимматли маслаҳат манбаи бўлиши мумкин. Давлат муассасалари томонидан кўпчилик вакиллари бундай уюшмалар тузилиши сабабларини тушуниши ҳамда бундай уюшмалар озчиликлардан бўлган полиция ходимларининг ташкилотга жипслашиши учун мустаҳкамроқ пойдевор яратиши мумкинлигини қадрлашни таъминланиши зарур. Лекин полиция ходимлари бундай уюшмаларга қўшилиши ёки шакллантиришида ҳеч қандай мажбурлаш бўлмаслиги лозим, чунки баъзилари ўзларининг озчиликларга тегишли эканлигини бу тарзда тасдиқлашни ҳоҳламаслиги мумкин.

Озчиликлардан бўлган полиция ходимларининг иш жойларига ва вазифалар бўйича тақсимлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Мазкур полиция ходимлари ўз жамоаларида ишлаш учун алоҳида ёлланиши керак эмас: улар жамиятнинг барча қатламларида ишлай оладиган умумий профессионал полиция ходимлари сифатида ишга олиниши лозим. Лекин озчиликлар маълум жойларда ёки минтақаларда зич жойлашиши кўп учрайдиган Давлатларда озчиликлардан бўлган кўп полиция ходимлари мазкур минтақаларда ёлланиши ва ишлаши эҳтимоллиги юқори. Юқоридаги 4-Тавсияга биноан бу жамоадан хабардорлик, алоқалар ва жамият ишончи нуқтаи назаридан полиция муассасаси учун муҳимдир. Лекин мазкур полиция ходимларига авваламбор умуман полиция ходимлари деб қаралиши ва кейингина озчиликдан бўлганлиги уларни махсус ўрин тутиш ёки маълум

кўникмалари билан ҳисса қўшишга имкон беради деб қараш лозим. Озчиликлардан бўлган полиция ходимлари озчиликлар жамоаларида ишлашга мажбур қилинмаслиги лозим ва ўзларидан бошқа жамоалар ёки кўп миллатли муҳитда ишлаб тажриба орттириши рағбатлантирилиши лозим. Мазкур полиция ходимлари ўз жамоаларида ишлаган пайтда, раҳбарлар иложи борица кўп миллатли гуруҳларда сафарбар қилиши лозим.

Аввал айтилганидек, юқорида келтирилган ташаббуслар ва ўзгаришлар полиция маданиятида тубдан ўзгаришга, яъни бир маданиятли ташкилотдан кўп миллатлига ва полиция ислоҳотининг бошқа теран жиҳатлари, жумладан полициянинг профессионализи ва “халқ хизмати” қаратилишига чақиради. Маданий ўзгариш жараёнини эҳтиёткорлик билан бошқариб, унинг фойдалари иложи борица тезроқ олиниши ва ташкилотнинг қаршилиги иложи борица камайтирилишига эришиш лозим. Бунинг учун олий даражадаги полиция раҳбарларининг йўлбошчилиги, садоқати ва уқувли бошқаруви талаб қилинади⁶.

III. ТАЪЛИМ ВА ПРОФЕССИОНАЛ КЎМАК

8. *Озчиликларга хос бўлган нозик масалаларни тушуниш ва тегишли тарзда ҳаракат қилиш ҳамда уйғунликни таъминлаб ва кескинликларни камайтирувчи тарзда ўз ҳуқуқ муҳофазаси вазифаларини самарали тарзда бажара олиши учун полиция зарур таълим ва профессионал кўмакка муҳтождир.*

Таълим ўрни беқиёс, лекин кўп миллатли муҳитда полиция ўз вазифасини самарали тарзда бажариши учун зарур ягона профессионал кўмак шакли эмас, албатта. Бундай таълимнинг мақсади полицияга мазкур шароитда ишлаш учун зарур муайян имкониятларни (масалан, хабардорлик, билим ва кўникмалар) бериш бўлиши лозим. Мазкур талабларни аниқлаш учун “таълимга бўлган эҳтиёжлар таҳлилини” ўтказиш лозим.

Қуйидаги соҳаларда айниқса эҳтиёж мавжуд: маданий ва диний огоҳлик, воситачилик ва жамоа муносабатлари кўникмалари, лисоний таълим ва инсон ҳуқуқлари, шу қатори миллий озчиликларга тегишли шахслар ҳуқуқлари. Кўп миллатли жамиятларда барча полиция ходимлари мазкур соҳаларда белгиланган минимум бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим. Лекин лисоний таълим талаб қилинган даража ҳамда маданий ва диний огоҳликка оид таълим маҳаллий шароитга боғлиқдир.

⁶ Кадрлар танлови ва вакилликка оид масалалар бўйича қўшимча йўл-йўриқлар Европа Полиция Фаолияти ва Инсон Ҳуқуқлари Платформаси томонидан чоп этилган “Миллий озчиликлардан полиция ходимларини ёллаш ва штатда ушлаб туриш” номли китобчада мавжуд, тегишли вебсайт <http://www.epphr.dk/downloads.htm>.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай таълим амалий ва ишга тааллуқли бўлиши лозим. Агар таълим фақат назарий бўлса, ҳатто билим олинса ҳам у хатти-ҳаракатларга кам таъсир кўрсатади ёки умуман таъсир кўрсатмайди. Таълимда полицияга янги билим ва кўникмаларнинг зарурлиги ва амалий қўлланилиши кўрсатилиши ҳамда уларнинг ролини самарали ва профессионал тарзда бажаришда ёрдам бериши мумкинлиги ва уларнинг ҳар кунги ишида фойда келтириши кўрсатилиши зарур.

Таълимдан бевосита полициянинг, айниқса тажрибали ходимларининг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш учун фойдаланишга ҳаракат қилишдан аввал эҳтиёт бўлиш лозим. Аксарият катталар орасида шахсий ёндашувлар чуқур илдиз отган ва қисқа тайёргарлик курслари давомида уларни ўзгартириш ҳаракатларига қаршилик кўрсатилиши ёки зид маҳсул бериши мумкин. Лекин таълимда этник гуруҳларга нисбатан таассуб ва стереотиплар масаласига қаратилиб, озчиликларга одилona ва профессионал муносабатга тўсиқ бўлиши мумкинлиги эътироф этилиши зарур. Бундай таълим полицияга ўз ёндашувлари ва таассублари ишига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслигини таъминлашга қаратилган.

Таълим давомида асосий эътибор оддийгина ахборот билан таъминлаш ёки ёндашувларни ўзгартириш эмас, балки полицияга кўп миллатли шароитда кундалик фаолиятини профессионал стандартлар ва халқаро инсон ҳуқуқларига мувофиқ равишда олиб боиришида амалий ёрдам кўрсатишга қаратилиши зарур. Шу сабабли таълим жуда муҳим касбий кўмак шаклида ва профессионал тараққиёт учун ресурс сифатида қаралиши лозим. Касбий кўмакнинг бошқа шакллари 10 ва 11-Тавсияларда тилга олинган.

Мазкур таълимни амалийлаштириш учун мос услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Расмий маърузаларнинг ўз ҳолида фойдаси кам. Уларга қўшимча равишда ташкил этилган муҳокама ва дебатлар каби интерфаол услублар ҳамда фикр ва тажриба алмашуви бўлиши зарур. Улардан энг қимматлиси кўп миллатли жамиятларда ҳақиқий полиция вазифаларига тақлид қилувчи амалий машқ ва ролли ўйинлар бўлди.

Таълимга бўлган амалий ёндашув тренернинг ролида ўзгартиришларни талаб қилади. Тренр мутахассислиги бўйича билим етказувчи эксперт эмас, дебатлар ва тажриба орқали ўрганишни рағбатлантириши ва мазкур вазифани бажариш учун зарур кўникма ва ишончга эга бўлиши лозим. Предмет бўйича мутахассиснинг ўрни муҳим, лекин у озчиликлар ва этник гуруҳлараро муносабатларидан фойдаланиш мумкин бўлган шахс бўлиб қолади. Малака оширувчиларнинг (айниқса улар тажрибали ходимлар бўлса) озчиликларга оид мавжуд билим ва тажрибаси ҳам жуда муҳим ресурс бўлиб, ундан фойдаланиш, бўлишиш ва баҳолаш зарурдир.

9. *Озчиликлар масалалари ва миллатлараро муносабатлар бўйича таълим хизматдан аввал ва хизмат давомида таълим жараёнига қўшилиши ҳамда юқори ва қуйи мансабдаги полиция ходимларига ҳам таъминланиши тавсия этилади. Таълимни режалаштириш ва амалга оширишда озчиликлар вакиллари иштирок этиши зарур.*

Озчиликлар масалалари ва миллатлараро муносабатларга оид таълим полиция учун бошланғич таълимнинг ажралмас қисми бўлиши ҳамда инсон ҳуқуқлари, жамоада полиция фаолияти ва хизматга қаратилган ёндашув каби мавзуларга боғланган бўлиши зарур. Озчиликлар ва этник масалалар алоҳида эътиборни талаб қилсада, улар таълимнинг қолган қисмидан ажратиб қўйилмаслиги зарур: янги ёлланган ходимлар кўп миллатли муҳитда полиция вазифаларини бажаришни кундалик вазифа сифатида ўрганиши лозим. Тажрибали полиция ходимлари ўзларининг малака ошириш курсларида мазкур мавзулар бўйича алоҳида тайёргарликдан ўтиши лозим, айниқса аввали олган тайёргарлигида бундай мавзулар кўзда тутилмаган бўлса. Фаол хизматдаги полиция учун мазкур таълим тезкор ҳаракатларга (патруль, тергов, ҳибс) қаратилиши ва уларнинг доимий малака оширишига ижобий таъсир кўрсатишга қаратилган. Фуқаро ходимлар, айниқса аҳоли билан биринчи мулоқот вазифасидагилар мазкур дастурларга қўшилиши лозим.

Полиция мансабдор шахслари ҳам ушбу мавзулар бўйича тайёргарликдан ўтиши, лекин улар учун эътибор бевосита хизмат кўрсатувчи (патруль ва пост хизмати, участка нозирлари ва ҳ.к.) ходимлардан бошқачароқ бўлиши зарур. Полиция мансабдор шахслари бевосита кундалик полиция вазифаларини тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиши зарур бўлсада, уларнинг таълими меъерларнинг татбиқи, хизмат мезонларини ўрнатиш ва ташкилий маданий ўзгаришни бошқаруви ҳамда жамиятдаги этник кескинликлар ва низолар ечими бўйича вазифалар ечимига қаратилган бўлиши лозим.

Озчиликлар вакилларини жалб этилиши ҳам озчиликлар ва миллатлараро масалаларга оид полиция таълими учун муҳим ресурсдир. Полиция бевосита озчиликлардан тегишли маданий ва диний амалиётлар ҳақида ҳамда озчиликларнинг полицияга муносабатини ўрганиши лозим. Тренингда яна озчиликлар вакиллари билан шахсий мулоқот ҳамда муҳокамалар, машқлар ва ролли ўйинлар (уларда ҳар бир киши бошқасининг ўрнига ўзини қўйиб кўради) учун имкониятлар туғилади. Озчиликларнинг полиция таълимида муваффақиятли иштироки “кўприклар” яратади ва озчиликларнинг полиция ҳақида тушунчаси ва ишончини юксалтиради. Озчиликлар нафақат махсус тайёргарлик курсларига таклиф қилиниши, балки барча босқичларда, шу қатори мазкур сессияларни режалаштириш ва баҳолашда ҳамда таълимга бўлган эҳтиёжни аниқлашга жалб қилиниши лозим. Полиция турли

озчиликлар уюшмалари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиб, озчиликлар ва миллатлараро масалаларда полиция малака ошириш эҳтиёжларини қондиришда ишонч ва кўникмага эга бўлиши лозим. Улар яна мазкур озчиликлар уюшмаларининг аъзолари ёши, жинси ва бошқа жиҳатлари бўйича турлича бўлиши ва фақат расмий ёки ўз-ўзини тайинлаган “жамоа раҳбарлари”⁷дан иборат бўлмаслигини таъминлаши зарур.

10. Полиция ахлоқ кодексига кўп миллатли жамиятларда полиция фаолиятининг профессионал стандартлари киритилиши, ва полиция таълими дастурларида мазкур стандартларга етишга қаратилган қисмлар бўлиши зарур. Мазкур стандартларнинг бузилишига қарши чоралар кўрилиши ҳамда намунавий амалиёт иш жойида ва жамиятда эътироф этилиши зарур.

Касбий тайёргарлик муайян мақсад, яъни шахсни профессионал стандартларга мувофиқ равишда ўз касбий вазифаларини адо этишга тайёрлашга қаратилган таълим шаклидир. Мазкур стандартларни белгилаш учун ахлоқ кодекслари тузилиши ҳамда ходимга мазкур стандартларга етишга имкон берувчи билим ва кўникмалар аниқланиши лозим. Ушбу тамойил полиция таълими масалаларида, айниқса кўп миллатли шароитда ишлаш учун полиция таълимида қўлланилиши лозим. Таълим дастурлари ҳамда улар асосланган “таълимга эҳтиёж таҳлили” (юқоридаги 8-Тавсияни кўринг) мазкур ахлоқ кодексларининг татбиқини кўллаб қувватлашга қаратилган бўлиши зарур.

Ахлоқ кодекслари халқаро стандартларга асосланган бўлиб, ижобий профессионал полиция фаолияти негизи бўлган умумий ахлоқий тамойилларни белгилайди⁸. Кодексларда яна муайян полиция вазифаларини бажаришда кўриш лозим бўлган чораларни ҳам белгилаб ўтилади, бунда улар одатда “амалиёт кодекслари” деб аталади. Амалиёт кодексларига одатда муайян миллий ва ҳуқуқий шароитда муайян полиция фаолиятининг ахлоқида этика тамойиллари қўлланилиши киради. Шу сабабли амалиёт кодекслари Давлатлар томонидан ишлаб чиқилиши зарур.

Кўп миллатли муҳитда полиция фаолиятининг қийинчиликлари ва зиддиятлар туғдириш мумкинлиги сабабли тегишли ахлоқ кодекси ва махсус амалиёт

⁷ Бундай таълим тўғрисида қўшимча йўл-йўриқлар Европа Кенгашининг Инсон Ҳуқуқлари ва Полиция номли нашрининг (1997) “Муҳожирлар ва Миллий Озчиликлар масалаларида Полиция Таълими” бобида топиш мумкин. Яна қуйидаги вебсайтга қаранг: [http://www.coe.int/T/E/Human_Rights/Police/2_Publications/2.1_Trainers'_Supply_Kit/CI\(98\)1_Workbook_for_practice_oriented_teaching.asp](http://www.coe.int/T/E/Human_Rights/Police/2_Publications/2.1_Trainers'_Supply_Kit/CI(98)1_Workbook_for_practice_oriented_teaching.asp)

⁸ Юқоридаги ҳаволада берилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ҳуқуқ Муҳофазасига масъул Мансабдор Шахслар учун Ахлоқ Кодекси ва Европа Кенгашининг Полиция Этикаси бўйича Европа Кодексига қаранг.

меъерларини тузиш жуда муҳим. Қийинчилик ва зиддият туғдириши мумкин бўлган полиция вазифаларига очиқ миллий низо ечими, этник кескинликларни пасайтириш, этник жиҳатдан нозик шароитдаги жойларда одамларни тўхтатиб, тинтув қилиш ёки озчиликлар яшовчи ҳудудларда полиция фаолиятини амалга ошириш мисол бўлиши мумкин. Батафсил амалиёт кодексларида бундай вазифаларни амалга оширишда полиция учун махсус йўл-йўриқлар ва кўмак берилиши лозим. (Қўшимча тушунтиришлар учун 16-Тавсияга қаранг). Масалан, ахлоқ нуқтаи назаридан, этник илдизларга тақалувчи коррупция хавфи кучлироқ бўлиши мумкин ва шу сабабли ҳушёрлик ва ҳалолликни таъминлаш учун чора кўришга эҳтиёж кучаяди. Лекин бундай этика масалалари кўп миллатли муҳитда ишлаш учун алоҳида кодекслар тузиб эмас, полициянинг умумий ахлоқ кодексларида ҳал этилиши лозим.

Профессионал стандартлар ва ахлоқ кодексларига мувофиқлик полиция раҳбарияти томонидан эътироф этилиши ҳамда полиция ходимининг мансаб поғонасида ўсишига ижобий таъсир қилиши лозим. Бундай ўсиш стандартларга биноан иш фаолиятининг баҳоловиغا боғлиқ. Кодекс ва стандартларга амал қилмасликка қарши чоралар кўрилиши ва жиддий қоидабузарлик ҳолларида ходим интизомий чоралар билан жазоланиши зарур. Таълимнинг мақсади полицияга профессионал кодекс ва стандартларга биноан ишлашда кўмаклашиш бўлиши лозим. Ўз ишини аъло даражада бажарган полиция ходимлари ўқув курсларида ўз тажрибасини ўртоқлашишга таклиф қилиниши зарур. Барча касбий кўмак механизмлари полициянинг озчиликлар билан муносабатларида қўлланилиши зарур.

11. *Полиция мансабдор шахслари ва раҳбарларига ўз ходимлари озчиликлар билан ишлашда мазкур стандартларга мувофиқлигини таъминлаш вазифаси юклатилиши ҳамда улар ўз ишида ижобий амалиёт намунаси бўлиши ва йўлбошчилик қилиши тавсия қилинади.*

Таълим ва ахлоқ кодексларининг ўзи полиция амалиётининг ўрнатилган меъерлар ва касбий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш учун етарли эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, полиция мансабдор шахслари раҳбарлиги ҳамда полиция ходимларининг устидан бошқарув ва назорат ҳаётий муҳим омиллардир. Кўпроқ юқори мансабдаги ходимлар кичик ходимлар учун намуна бўлиши ва ўзларининг кундалик ишида талаб қилинган стандартларни намойиш қилиши лозим. Улар яна ўз ходимларидан мазкур стандартларга мувофиқ равишда ҳаракат қилишини кутишларини намойиш қилиши ва барча полиция ҳаракатлари инсон ҳуқуқлари ва мазкур стандартларга мувофиқлиги мониторингини фаол юритиши лозим. Агар улар пинҳона мазкур сиёсатни ёмонласа ёки озчиликлар ҳақида салбий стереотипларни изҳор қилса, ёки

озчиликларга нисбатан камситиш ҳаракатларига қарши чора кўришмаса, тезда уларнинг ходимлари ушбу мажбурият жиддий ёндашилмаяпти деган хулоса чиқаришади. Озчиликлар ҳам умр бўйи кўпчилик томонидан камситишнинг турли шаклларига дуч келгани сабабли ўзларига нисбатан одилона ва ҳақиқий ҳурмат билан муомала қилиниши ва унинг аксини тез сезишади.

Полиция мансабдор шахслари ва раҳбар ходимлари мазкур масалалардан хабардор бўлиши ҳамда уларни самарали тарзда ҳал эта олиши учун таълим олиши зарур. Мазкур таълимнинг асосий тамойиллари юқоридаги 9 ва 10-Тавсияларда келтирилган. Полиция муассасада юқори лавозимларга танлов тартиб-қоидаларида кўп миллатли муҳитда полиция фаолиятини юргизиш масалалари бўйича тажриба ҳам эътиборга олиниши зарур.

7-Тавсияда айтиб ўтилганидек, индалло мақсад собитқадам ва изчил раҳбарлик орқали полиция ташкилотида анча йиллардан сўнг рўй берадиган ўзгариш бўлиши даркор. Сўнггина ташкилотнинг ўзи ҳақиқатан кўп миллатли , профессионал ва бетараф муассаса бўлиб, унда кўп миллатли муҳитда ишлаш оддий иш бўлиб қолади.

IV. ЭТНИК ЖАМОАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

12. Полицияга озчиликлар билан мулоқот ва ҳамкорлик услублари ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда биргаликда маҳаллий, минтақавий ва миллий даражаларда ишончни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилиши лозим.

Умуман полиция фаолиятининг демократиклиги ва халқ хизматиغا йўналтирилганлиги, ва айниқса жамоада полиция фаолияти ёндашуви фуқаролар ва полиция орасида мунтазам ва самарали мулоқотни талаб қилади. Демократик жамоада самарали полиция фаолияти кўрқув эмас, розиликка асосланган бўлиши зарур. Полиция ўз ишини амалга оширишда жамият кўмагига муҳтож бўлиб, бу нафақат демократик жиҳатдан масъулият сабабли эмас, жамият билан амалий ҳамкорлик сабабли ҳам олиб борилиши (масалан, маълумот етказиш, жиноятлар ҳақида хабар бериш, гувоҳлик бериш ва ҳ.к.) полиция вазифасини бажариш учун муҳимдир. Шу сабабли ҳар бир демократик Давлатда полиция барча даражаларда жамият билан мулоқотда бўлиш ва унинг ишончини қозониш учун услуб ва амалиётни шакллантириши зарур.

Кўп миллатли жамиятда полиция қўшимча қийинчиликларга дучор бўлади. Мулоқот ва ишонч қозониш эҳтиёжлари тил, маданият, дин ва бошқа

белгиларга кўра ҳар хил ҳамда тарқоқ равишда ёки бир жойда зич яшаётган бўлиши мумкин бўлган қатор озчилик гуруҳларга етказилиши зарур. Бундан ташқари баъзи гуруҳлар ўтмишда давлат томонидан камситиш ёки зулмнинг бошқа шаклларига дуч келган бўлиши мумкин ва шу сабабли полицияга нисбатан кучли ишончсизлик муносабатида бўлиши мумкин. Шу сабабли полиция жамоа билан мулоқотда қўллайдиган услублари ва амалиёти мазкур хилма-хиллик ва ўтмиш сабоқларини эътиборга олиши ҳамда барча этник ва миллий гуруҳларни самарали тарзда қамраб олишини таъминлаши зарур. Энг оғир чеклов ва қувғинларга дучор бўлган этник ва миллий гуруҳларнинг ишончини қозониш учун алоҳида чоралар зарур бўлиши мумкин. Бу жамоалар ва уларнинг йўлбошчилари билан муносабатларни узоқ муддат давомида сабр билан ривожлантиришни талаб қилади.

Озчиликлар билан мулоқотни йўлга қўйиш учун полиция турли услублардан фойдаланиши мумкин. Баъзи услублар, масалан, варақалар, радио ва телевидениедан фойдаланиш индаллода бир томонлама мулоқотдир ва ахборот узатиш учун айниқса фойдалидир. Озчиликларни мазкур воситалар билан қамраб олиш учун озчиликлар тилларида варақалар ва оммавий ахборот воситаларидаги дастурлардан фойдаланиш зарур. Лекин ишончни мустаҳкамлаш ва ўзаро тушуниш учун полиция ва озчиликлар орасида шахсий мулоқот ва алоқадан иборат интерфаол услублар янада фойдалироқдир. Уларга қуйидагилар киради:

- a) Жамоа форумлари. Булар этник вакилликка эга аъзолардан иборат бўлиб, умумий хавотир туғдираётган масалаларни ҳимоя қилиш учун мунтазам равишда йиғилиши зарур. Бундай форумлар мунтазам равишда маслаҳатчилик вазифасини бажариши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари ҳаракатлари ҳақида маҳаллий жамоа, айниқса озчиликларнинг ҳадикларига оид ахборот манбаи бўлиб, афзалроқ тушунишга ёрдам бериши зарур. Улар яна миллий озчиликларни давлат муассасаларига яқинлаштириб, полицияга ишончини мустаҳкамлаш ҳамда кескинликларни олдини олиш ва пасайтиришга ёрдам бериши зарур.
- b) Жамоада мажлислар. Бу полицияга маҳаллий жамоалар билан иложи борица кенгроқ асосда мулоқот қилиш имкониятини бериши зарур. Жамоадаги учрашувлар ҳамма учун очиқ бўлиб, муайян масалага қаратилиши зарур. Улар айниқса жамоада кескинликлар туғилган пайтда айниқса қимматли бўлиб, полицияга жамоани хавотирга солувчи барча масалаларни тинглаб, вазият ва полиция кўраётган чоралар ҳақида аниқ маълумотлар тарқатишга имкон беради.

- с) Жамоа маслаҳатчилик кенгашлари. Жамоа маслаҳатчилик кенгашларининг махсус вазифаси полиция мансабдор шахслари маҳаллий жамоада полиция вазифалари қандай қилиб энг самарали тарзда ўтказилиши мумкинлиги, жумладан этник низоларда полиция фаолияти, камситиш масалалари ечими ва жамоа билан маслаҳатлашиш масалалари бўйича маслаҳат беришдир. Полиция маслаҳатчилик кенгашлари аъзолари сифатида бундай маслаҳат бериш учун зарур кўникма ва тажрибага эга деб ҳисобланган шахсларни таклиф қилиши лозим. Улар мустақил нуқтаи назардан маслаҳат бера оладиган шахслар бўлиб, полициянинг барча таклифларини тасдиқлайвериши керак эмас. Унинг аъзолари маҳаллий жамоанинг турли этник таркибини акс эттириши зарур.
- д) Қўшма полиция ва жамоа мажлислари. Бундай мажлисларда полициянинг жамоа билан муносабатларидаги муайян масалалар бўйича муаммолар ечими устида бирга ишлаш учун полиция ва жамоа вакиллари йиғилиши лозим. Қатнашчилар сони кўп бўлмай, белгиланган муаммо ёки масаланинг ечимига ҳисса қўшишга қобил пухта танланган шахслар бўлиши зарур. Мазкур форматдан ўзаро тушуниш ва умуман ҳамкорлик услубларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Бундай тадбирларга тажрибали модератор жалб қилиниши зарур.
- е) Полиция муассасаларида жамоа алоқалари пункти. Бу пунктда турли миллатларга тегишли ходимлар ишлаши ҳамда миллий озчиликларга тегишли шахсларга ҳуқуқий тартиб қоидалар ҳамда полицияга ишга кириш имкониятлари ҳақида ахборот бериш ва бундай шахслар полицияга ўзларини хавотирга солувчи масалалар ҳақида ахборот бера оладиган “жамоат учун қабулхона” бўлиши зарур. Вилоят ва шаҳар полиция бошқармалари, полиция академиялари ва ўқув юртларида ҳам алоқа пунктлари ташкил қилиниши мумкин. Қўшимча равишда ички ишлар бўлимлари ва бошқа муассасаларда “очиқ кунлар” ва турлар ташкил қилиниши (жумладан мактаб болалари учун) ва улар миллий озчиликларга тегишли шахсларга алоҳида қаратилиши мумкин.
- ф) Махсус патруль ходимлари мунтазам равишда маълум жамоаларга бориб туриши. Маҳаллий ички ишлар бўлимларида алоҳида ходимларга жойлардаги ҳар бир миллий озчилик жамоаси билан алоқада бўлиш вазифаси юклатилиши мумкин. Ички ишлар бўлимида озчиликлар билан алоқа учун масъул шахс бўлишига қўшимча равишда улар мазкур озчиликлар яшовчи жойларда мунтазам равишда патруллик қилиши (жумладан мактабларга бориш) ва ушбу жамоаларнинг аъзолари билан иложи бориचा яқиндан алоқа қилиши ва

ишончга кириши лозим. Шу тарзда полиция миллий озчиликларга тегишли турли хил шахсларнинг эҳтиёжлари ва хавотирларидан тўлиқ хабардор бўлиб туришини таъминлаб, ўзаро тушуниш ва ишончга асосланган мулоқот ва муносабатларни шакллантиради.

Бу турдаги услублар барча даражалар: миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда қўлланилиши зарур. Ходимлар ва масалалар даражасига кўра ҳам ўзгача ёндашувлар бўлиши мумкин. Масалан, миллий даражадаги полиция мансабдор шахслари ва раҳбарлари кенг миқёсдаги сиёсат ва стратегия масалалари ёки миллий миқёсда хавотирга молик воқеалар тўғрисида миллий озчиликларнинг республика миқёсидаги вакиллари билан учрашиши лозим бўлса, маҳаллий даражада эътибор жамоада полиция фаолияти ёки воқеаларга боғлиқ бўлган амалий масалаларга қаратилади. Полиция бундай учрашувлардаги мулоқотда озчиликлар тиллари воситасида фойдаланиш мумкинлигини таъминлаши лозим (қуйидаги 13-Тавсияга қаранг). Бундай ташқари амалий тузилмаларни шакллантиришда полиция диний ва маданий амалиётларни турли хиллигига эътибор бериши, масалан, тадбирларни муқаддас кунлар ёки байрамларга режалаштирмаслиги зарур. Полиция яна ўз мулоқотида миллий озчиликлардаги нафақат ёши улуғ эркаклар, балки аёллар ва ёшларни ҳам қамраб олишини таъминлаши зарур.

13. Полиция озчиликлар билан озчиликлар тилларида муомала қилиш имкониятига эгаллиги, иложи борича кўп тил билувчи ходимларни ишга олиш ва тайёрлаш ҳамда малакали таржимонлардан фойдаланиши таъминланиши лозим.

Миллий Озчиликларнинг Муҳофазаси ҳақидаги Асосий Конвенцияда (10-модда) миллий озчиликларнинг ўз тилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва иложи борича маъмурий ҳокимият билан муносабатларда фойдаланиши мумкинлиги белгиланган. Унда яна ҳибс ёки тергов пайтида ўз тилларидан фойдаланиш ҳуқуқлари белгиланган. Шу сабабли полиция миллий озчиликларга тегишли шахслар билан, улар ходимлар, гумон қилинувчи, гувоҳ ёки жамоа аъзоси сифатида (масалан, консултациялар, жиноят олдини олиш фаолияти ёки жамоат тартибсизликлари вазиятларида) муносабатларда мазкур тиллардан фойдаланиши таъминланиши лозим. Миллий озчиликлар ўз тилларидан фойдаланиш даражаси турличалиги ва улар давлатнинг расмий тил(лар)идан фойдалана олиши ва саводхонлиги турлилиги сабабли амалиётда қандай талаб қўйилишини аниқлаш учун эҳтиёж баҳолови ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Полиция яна шуни ёдда тутиши зарурки, баъзи миллий озчиликларда муайян гуруҳлар (масалан, қариялар ёки аёллар) камроқ таълим олганлиги ёки ижтимоий ҳаётда камроқ қатнашгани сабабли кўпчилик тили ёки расмий тилда яхши сўзлай олмаслиги мумкин.

Миллий озчиликларга тегишли шахсларни полицияга ишга кириши полиция муассасаси учун ушбу эҳтиёжни қондириш учун муҳим восита билан дарҳол таъминлайди. Миллий озчиликлардан бўлган полиция ходимлари ўз миллий озчилик жамоалари яшаётган жойларда ишласа, ишида ўз озчилик тилидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Зарур ҳолларда улар ҳамкасблари учун таржимон бўлиб ишлаши мумкин, лекин мазкур ҳудудларда ишлаётган озчиликларга тегишли бўлмаган ҳамкасблари озчиликлар тиллари бўйича тегишли тайёргарликдан ўтиши зарур. Полиция учун яна миллий озчиликларга тегишли шахслар билан мулоқот учун малакали ва тажрибали таржимонлардан фойдаланиш имконияти бўлиши муҳимдир. Айниқса гумон қилинган шахслар ёки гувоҳлар билан ишлаётганда, полиция учун оила аъзолари ёки малакаси номаълум бошқа шахсларнинг таржимасига ишонибгина қолмаслиги ўта муҳим, чунки у тушунмовчилик ва хатоларга олиб келиб, полиция иши савиясини пасайтириши ҳамда миллий озчиликларга тегишли шахслар учун жиддий ноҳақликка олиб келиши мумкин.

14. Полиция ўзлари билан мулоқот ва ҳамкорликда озчиликларни қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши, масалан, кадрлар ёллаш масаласи ва озчиликлар масалаларига оид таълим ташаббусларида ҳамкорлар сифатида фаол ўрин тутиши лозим. Озчиликлар ўз навбатида жамоа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва одил судловни таъминлаш учун полиция билан мулоқот ва ҳамкорликка тайёр бўлиши лозим.

Демократик давлатда самарали полиция фаолияти фаол, огоҳ ва ўз фуқаролик мажбуриятларига жиддий ёндашувчи ҳамда полицияга вазифасини бажаришда ҳамкорлик қилиб, қўллаб қувватлашга тайёр фуқароларга боғлиқ. Кўп миллатли Давлатда миллий озчиликлар мазкур жараёнда фаол ўрин тутиши муҳимдир. 12-Тавсияда айтиб ўтилганидек миллий озчиликларнинг фуқаролар иштирокида тажрибаси кам ва бундай иштироқда ҳам тўсиқларга дуч келиши (масалан, лисоний ёки камситиш) ва давлат муассасалари, айниқса полиция билан бундай услубда ишлашга ишончи бўлмаслиги мумкин. Агар полиция жиддий равишда миллий озчиликлар билан самарадор ишлаш ниятида бўлса, унда беҳаракат кузатиб, сўнг озчиликлар бошқа гуруҳлар сингари фаол бўлмаганлиги ҳақида шикоят қилгандан кўра озчиликларни ушбу ролни ўйнашда қўллаб-қувватлаш зарур.

Шу сабабли полиция озчиликларни бу тарзда жалб этишга имкон беришда кўмаклашиш йўллари топиши ва уларга бунинг учун салоҳиятини оширишда ёрдам бериши зарур. Полиция ушбу мақсадда ресурслар ҳам ажратиши зарур. Мазкур ёрдам қисман 12-Тавсияда белгиланган ишончни мустаҳкамлаш чоралари орқали ҳамда жамиятнинг полиция фаолияти ва одил судловга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида огоҳлигини юксалтириш орқали

етказилиши мумкин. Лекин агар полиция озчилик жамоа уюшмалари ҳамда мазкур соҳада фаол ННТлар билан тузилмали ва узоқ муддатли муносабатлар кура олса, унинг самарадорлиги юқорироқ бўлади. Бундай уюшмалар ва ННТлар полицияга озчилик жамоалари билан муносабатларини ривожлантиришда ёрдам бериши ва уларга озчиликлар ва этник масалаларга оид қимматли маслаҳат ва маълумотлар бериши мумкин. Полиция яна шундай муассасалар билан миллий озчиликлар орасида истиқболли кадрларни топиш ва ёллаш, полиция таълимига оид маслаҳат ва кўмак бериш ҳамда этник кескинликлар ва низога жавоб чоралари кўришда муқобил услубларни баҳолаш мақсадида расмийроқ ҳамкорлик ўрнатиши мумкин, Бундай турдаги ҳамкорлик икки ёки кўпроқ ташкилотлар орасида умумий мақсадга эришиш учун тенг ва давомий асосда бирга ишлаш ҳақида расмий шартномага асосланган бўлиши зарур.

Этник гуруҳлар ва ННТлар билан самарали ҳамкорликни шакллантириш вақт талаб қилиши мумкин ва ишонч ва ўзаро тушунишни шакллантиришни талаб қилади. Иккала тараф ҳам аввалига эҳтиёткорлик қилиши мумкин: озчиликлар полициянинг миллий озчиликлар орасида жиноий фаолият ҳақида ахборот йиғиш каби “яширин мақсадлари” мавжудлиги ҳақида шубҳаланиши мумкин; полиция ҳам фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ишлашда тажрибаси кам бўлиб, айниқса улар ўтмишда полицияга нисбатан танқидий қараган бўлса, мазкур ташкилотларнинг мақсадлари ҳақида шубҳаланиши мумкин. Полиция билан озчиликлар муносабатларини яхшилаш ва озчиликларнинг одил судловга ҳуқуқларини таъминлаш каби умумий вазифалар қўйиш ҳамда мазкур асосда улар бир бирларининг турли вазифаларини ва услубларини ҳурмат қилган ҳолда (нотўғри ишлар қилинганда ННТларнинг ўз жамоалари номидан полицияни танқид қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда) бир бирларига ёрдам бериш йўллари аниқлаш муҳимдир. Тажиба кўрсатишича, иккала тараф учун ҳам бундай ҳамкорликдан орттирилган фойда анчагинадир ва вақт ўтган сайин ортиб бораверади. Улар яна кейин полиция ва озчиликлар муносабатларида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни диалог ва воситачилик орқали ечиш учун асос яратади⁹.

Озчиликларнинг ўзлари аъзоларининг қонунга биноан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида огоҳлигини ошириш, жиноят қурбонлари бўлган шахсларга маслаҳат ва кўмак бериш, жамоа хавфсизлиги ва полиция фаолияти оид тадбирларда фуқаролар иштироки ҳамда ҳуқуқ муҳофазаси ва адлия масалаларида ўз жамоалари аъзоларининг манфаатлари муҳофазаси ва полиция ва суд фаолиятида уларга одилona муносабатда бўлиниши учун ишлаш орқали

⁹ Полиция ва ННТлар орасида ҳамкорликни ривожлантиришга оид кўшимча йўл-йўриқлар Европа Полиция Фаолияти ва Инсон Ҳуқуқлари Платформаси томонидан чоп этилган: “Нега ва қандай қилиб инсон ҳуқуқлари ННТлари ва полиция органлари бирга ишлаши мумкин ва зарур” номли китобчада мавжуд бўлиб, куйидаги вебсайтдан олишингиз мумкин: <http://www.epphr.dk/downloads.htm>.

жамоа хавфсизлиги ва одил судлов таъминланишига ҳисса қўшиши мумкин. Озчиликлар жамоаларидаги шахслар орасидаги кўп баҳслар ёки ҳуқуқбузарликларга оид муаммолар мазкур жамоалардаги воситачилик ёки бошқа анъанавий воситалар орқали, полиция ёки бошқа давлат ҳуқуқ муҳофазаси муассасаларига мурожаат қилмай ҳал қилиниши мумкин. Лекин яна озчиликлар ёки улар ичидаги алоҳида гуруҳлар адолатни ўз қўлларида ҳал қилмай (масалан, “ҳушёрлик қўмиталари” фаолияти), озчиликларнинг барча аъзолари ўз қонуний ҳуқуқлари ва давлатнинг адлия тизимидан чекловсиз фойдалана олиши зарур. Айниқса, озчиликлар гуруҳларидаги аёллар гендер камситиши ёки хонадонда зўравонликка дуч келиши мумкин бўлиб, жамоа ичидаги тузилмалар томонидан ўз қонуний ҳуқуқлари ва адлия тизимидан чекланмаслигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

15. *Полиция жамоанинг барча қатламларига тегишли инсонлар олдида ўз ҳаракатлари учун демократик равишда ҳисобдор бўлишини таъминлаш учун механизмлар яратилиши тавсия этилади. Улар ўз ичига миллий озчиликларга тегишли шахслар ҳам фойдалана оладиган шикоят қилиш ва тегишли чора кўрилишини назорат қилиш учун самарали тизимларни киритиши зарур. Жамоанинг барча қатламлари полицияга нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, полиция ваколатлари ва кўрсатиши лозим бўлган хизматларни тушуниб етиши лозим.*

Демократияда полиция нафақат суд ва адлия тизими орқали қонунга кўра жавобгар, балки бевосита жамоат олдида ҳам масъулдир ҳамда ўз ҳаракатларини ўзлари хизмат қилувчи жамоаларга тушунтириб бера олиши зарур ва амалиётида уларнинг розилигига қарамдир. “Жамоа билан ҳамкорликда полиция фаолиятининг” асосий тамойили ҳисобдорликдир.

Демократик масъулиятни таъминлаш учун ҳам маҳаллий, ҳам миллий даражаларда расмий тузилмалар, жумладан форумлар ёки вакиллик кенгашлари ташкил этилиши зарур бўлиб, улар олдида полиция ўз ҳаракатлари бўйича ҳисобот беришга, талаб қилинганда уларни тушунтириб ва асослаб беришга масъул (юқоридаги 12-Тавсияга қаранг). Миллий озчиликлар шундай кенгашларда вакилларга эга бўлиши ва бундай форумларда иштирок эта олиши ҳамда мазкур тадбирлар улар бора оладиган жойларда ўтказилиши зарур. Миллий озчиликлар полиция фаолияти ҳақида ўзларини хавотирлантирувчи масалаларни кўтариш ва бунда озчиликлар тилида ифодалаш эркинлигига эга бўлиши зарур. Мазкур расмий тузилмалар бевосита полиция томонидан бошқарилмаслиги, балки мустақил фаолият юритиш учун тузилиши зарур. Давлатлар бундай тузилмаларнинг тузилишига ёрдам бериши, уларга ресурсларни таъминлаб, миллий озчиликлар уларда

самарали равишда иштирок эта олишини таъминлаши зарур. Давлатлар яна ҳисобдорлик тузилмаларини тузилишини қонунга биноан мажбурият қилиб белгилашнинг истиқболдаги фойдаларини эътиборга олиши зарур.

Фуқароларга полиция хатти ҳаракатлари ҳақида шикоят қилишга (иложи борица озчиликлар тилларида ҳам) имкон берувчи самарали механизмлар ҳисобдорлик тузилмаларининг ажралмас қисми бўлиши лозим. Фуқаролар ўзлари зарарли ва непрофессионал деб ҳисоблаган полициянинг муайян ҳаракатлари ҳақида тушунтириш олиш ва тегишли ҳолларда қонунга ҳаволасиз талаблари қондирилиши имкониятига эга бўлиши зарур. Баъзи ҳолатлар фуқаро ва полиция орасида мулоқот орқали ечилиши мумкин ва шикоят тартиб-қоидалари бунга имкон бериши зарур. Жиддийроқ ҳоллар мазкур мақсадда тузилган мустақил полиция шикоятлари муассасасига ёки омбудсман каби умумий шикоятларни тергови бўйича муассасага юборилиши лозим. Озчиликлар ҳам бошқа фуқаролар каби полиция ваколатларини суистеъмол қилинишига қарши чора кўрилишига эриша олиши учун шикоят механизмларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши жуда муҳим. Полиция ходимлари бундай шикоятлар тизимлари мавжудлигини ижобий тарзда қўллаб қувватлаши зарур, ва нафақат тамойилларда, чунки уларнинг мавжудлиги жамоа ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва полиция раҳбарлари учун қаерда полиция ҳаракатлари нотўғри бораётган бўлиши мумкинлиги ҳақида муҳим ахборот таъминлайди. Давлатлар шикоят механизмлари мавжудлиги ва самарали ишлаётгани, улар баъзи фуқаролик (жумладан миллий озчилик) иштироки ва назорати омилларини ўз ичига олиши ҳамда бунда барча этник ва миллий гуруҳларнинг тенг имконият берилишини таъминлаши лозим.

Полиция билан алоқада самарали тарзда иштирок этиш ва уларнинг умуман фуқаролар сифатида мажбуриятларини амалга ошириш учун озчиликлар полиция фаолиятига оид масалаларда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан ҳамда полиция ваколатлари ва кўрсатиши лозим бўлган хизматлардан хабардор бўлиши лозим. Фуқаролар огоҳлигини таъминлаш махсус вазифасига кирмасада, полиция ўз вазифаларини демократик тамойилларга мувофиқ равишда бажариши учун фуқаролар шу тарзда огоҳ бўлиши зарур. Шу сабабли полиция мазкур йўналишда жамият хабардорлиги устида ишлаши ва айниқса мактаблардаги ёки ННТлар юргизаётган ишни қўллаб-қувватлаши зарур. Улар айниқса озчиликлар орасида хабардорликни юксалтириш ва жамоа раҳбарлари шу мақсадда ташкиллаштирган мажлисларда қатнашишга тайёр бўлиши даркор. Лекин Давлатлар ушбу вазифани фақат полиция ва ННТларга ташлаб қўймай, полиция фаолиятига оид фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот бемалол, шу жумладан озчиликлар тилларида таъминланиши ҳамда мактабларнинг ўқув дастурларига қўшилишини таъминлаши зарур.

V. ТЕЗКОР ФАОЛИЯТ

16. *Полиция қонунни холисона ва камситмовчи тарзда, бирор гуруҳни ажратмасдан, масалан “ирқий белгиларга кўра ажратиш” сиз татбиқ этиши учун чоралар кўриш зарур. Бундай чоралар қаторига тезкор фаолият амалиётлари, масалан, полициянинг одамларни кўчада ва бошқа жамоат жойларида тўхтатиб, тинтув қилиш каби ваколатларига доир ахлоқ кодекслари киради.*

Юқорида айтилганидек, демократияда полиция давлат муассасалари орасида энг кўринарлиси ва фуқароларнинг бевосита кундалик ҳаётига оид ваколатларга эгасидир. Шу сабабли полиция давлат вакиллари сифатида ўз ваколатларидан намунали тарзда фойдаланиши жуда муҳим. Бу полициядан доим профессионал ва инсон ҳуқуқларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилишни ҳамда қонунни холисона ва камситмовчи равишда татбиқ қилишни талаб этади.

Полиция ходимлари кенг жамиятдан ёлланган ва турли озчиликларга оид билимлари ва таассублари бўйича бир-биридан кўп фарқ қилиши мумкин. Бундай таассублар кенг тарқалган ва очиқчасига ифодаланиши ёки пинҳона бўлиши мумкин. Шу сабабли полиция ходимлари алоҳида этник гуруҳлар аъзоларига бевосита ёки билвосита тарздами, турлича муомала қилиши хавфи бўлиб, унинг олдини олиш учун фаол чоралар кўрилмаса, бу хавф доим мавжуд бўлади.

“Ирққа кўра ажратиш” амалиётига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу полиция маълум жиноятларни содир этиш эҳтимоли юқорироқ деб ҳисоблаган шахслар тўғрисидаги маълумотларга ирқ ёки миллати тўғрисида маълумот киритишдир. Натижадаги профилларга мос тушувчи шахслар ҳуқуқ муҳофаза муассасалари ходимлари томонидан алоҳида мўлжалга олинади ва “тўхтатиб тинтиш”, автоулов текшируви, шахс текшируви ва ҳ.к.га дучор қилинади. Ирққа кўра ажратиш жинсий фаолиятга ким алоқадор эканлигини аниқлашда шахсий хатти- ҳаракат эмас, ирқий ёки миллий стереотип (андоза)ларни қўлланишига асосланади. Расмий жиҳатдан қораланган бўлсада, ирққа кўра ажратиш ЕХХТ минтақасида норасмий тарзда кенг амал қилиниши ҳақида кўп исботлар мавжуд. Ирқий ажратишга дучор бўлувчи этник гуруҳлар Давлатлар орасида фарқланади, лекин лўлиларни ирқий ажратиш бутун Европада кузатилади.

Ўз аҳолисининг этник таркибидан қатъи назар, барча Давлатларга камситиш рўй бераётгани ёки бермаётганини аниқлаш мақсадида полиция фаолияти натижаларини этник мониторингини жорий этишга интилиш маслаҳат берилади. Бундай мониторингга полициянинг “тўхтатиб, тинтиш” каби чоралари одилон ва турли этник гуруҳларга нисбатан пропорционал равишда

қилинаётганини статистика услублари билан ўлчаш киради. Мониторингдан фойдаланиш Давлатларга этник ёки бошқа белгиларга кўра камситишга йўл қўймаслик соҳасида ўз халқаро (масалан, Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси ва Ирқий Камситиш Барҳам Бериш бўйича Халқаро Конвенция) ва миллий мажбуриятлари (масалан, конституция ва миллий қонунчилик) мажбуриятларини бажаришга имкон беради. Бундай мониторинг махфийликни таъминлаган ҳолда ўтказилиши, маълумотларнинг анонимлиги ва статистика формаларига агрегация қилиниши ҳамда шахслар ҳуқуқлари бузилмаслиги зарур.

Давлатлар полиция томонидан қонун татбиқида тенг муносабатни талаб қилиб, камситишни тақиқловчи аниқ меъерлар ва профессионал стандартлар мавжудлиги ҳамда улар таълим ва батафсил ахлоқ кодекслари билан амалга оширилишини таъминлаши лозим. 10-Тавсияда қайд этилганидек, бундай амалиёт кодекслари полиция ходимларидан муайян полиция вазифаларини бажараётганда кутиладиган хатти-ҳаракатларни аниқ белгилаб ўтиши ва шу тариқа камситувчи ёки бошқа профессионал бўлмаган хатти-ҳаракатлар хавфи минималлаштирилиши лозим. Улар айниқса камситувчи муомала хавфи туғилувчи вазифалар учун тузилиши зарур: улар қаторига полициянинг кўчада ёки бошқа жамоат жойларида одамларни тўхтатиш ёки тинтув ўтказиш ваколатлари киради, чегараларда киришни назорат қилиш, ҳибсга олишда куч ишлатиш, аҳоли пунктларида полициянинг “рейд”лардаги хатти-ҳаракатлари, этник низоларни ва жамоат тартибсизликларини ҳал этиш киради. Кодексларнинг бузилишига қарши интизомий чоралар кўрилиши зарур.

Кўп миллатли жамиятларда полиция қонунни холисона ва камситмовчи тарзда татбиқ этишининг муҳимлиги эътиборга олган ҳолда, Давлатлар умуман этник ва миллий озчиликларга нисбатан полиция фаолияти меъерий базаси ва амалиётини “тизимий баҳоловини” ўтказиши рағбатлантирилади¹⁰. Бундай баҳоловда ҳозирги полиция фаолияти амалиётлари халқаро профессионал полиция фаолияти стандартлари ва халқаро инсон ҳуқуқларининг талабларига биноан ўлчаниши лозим. У тадқиқот орқали олинган фактлар, ҳодисалар таҳлили ҳамда миллий озчиликлар ва ННТлар билан консультацияларга асосланган бўлиши керак. Амалиёт халқаро стандартлардан қуйроқ бўлган полиция фаолияти соҳаларида чоралар режалари тузилиши зарур.

17. Жамоат хавфсизлиги ва одил судловни таъминлаш мақсадида полиция миллий озчиликларга тегишли шахслар жиноят ҳақида хабар беришини рағбатлантириш учун чоралар кўриши лозим.

¹⁰ ЕХХТ Рома ва Синтиларнинг аҳолини яхшилаш учун Чоралар Режасининг (2003) полиция фаолияти ҳақида бобда тавсия қилинганидек, тегишли вебсайт: http://www.osce.org/documents/odihr/2003/11/1562_en.pdf

Ҳамма ерда полиция жиноятни аниқлашда жамоат аъзоларидан олинадиган ахборотга муҳтождир. Бутун ЕХҲТ минтақасида озчиликлар жамиятнинг бошқа қатламларига нисбатан жиноят тўғрисида маълумот бериш эҳтимоллиги камроқлиги ҳақида кўп далиллар мавжуд. Полиция миллий озчиликларга тегишли шахсларга қарши жиноятларга қарши тенг чора кўра олиши учун мазкур шахслар бошқалар каби жиноят тўғрисида хабар беришга тайёр бўлиши зарур. Полиция миллий озчиликларга тегишли шахсларга қарши жиноятларни қайд этиш ва тергов ўтказишда ҳамда жиноятчиларни одил судга олиб келишда тенг равишда самарали ва профессионал бўлиши зарур. Миллий озчиликларга тегишли шахслар ўзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиниши ҳамда гумонларига жиддий ёндашилган тақдирдагина полицияга жиноятлар ҳақида хабар беришади. Полиция миллий озчиликларга тегишли шахслар бошқа фуқаролар каби ўзлари жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида қатнашаётган ишларнинг бориши ва натижалари ҳақида мунтазам равишда хабардор бўлишини таъминлаши лозим. Жиноятчилик тадқиқотчилари (криминология мутахассислари) тадқиқотлари шуни изчил равишда кўрсатадики, нафақат озчиликлар орасида, балки жамиятнинг барча қатламларида жиноят қурбонларига нисбатан полиция муомаласи полицияга бўлган ишонч даражасининг энг қудратли омилларидан биридир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, озчиликлар томонидан озчиликларнинг жиноят ҳақида маълумот бериши даражасига таъсир қилувчи бошқа омиллар қаторида уларнинг жиноят тўғрисида хабар бериш тартиб-қоидалари ҳақида билими ва умуман жиноий судлов тизимини тушуниши ҳам мавжуд. Полиция озчиликлар орасида билим савияси ва ишончни мустаҳкамлашда, айниқса жиноят тўғрисида маълумот бериш ҳақида ахборот тарқатишга қодир ННТлар ва жамоа уюшмалари билан ҳамкорликка интилиш ҳамда қурбонларни ҳодисалар тўғрисида хабардор қилишга чорлаб, уларни қўллаб қувватлашни таклиф қилиш орқали катта ўрин тутиши мумкин. Мазкур ахборот ва кўмак озчиликлар жамоаларидаги аёлларга етиб боришини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Полиция яна озчиликлар ҳодисалар ҳақида ўз тилларида маълумот бера олишини таъминлаш учун чоралар кўриши зарур (юқоридаги 13-Тавсияга қаранг).

Фуқаролар полиция ўзларини умуман жиноятдан муҳофаза қилишда яхши ишлаётганига ишонса, полицияга жиноят тўғрисида хабар беришга кўпроқ тайёр бўлишади. Давлатлар маҳаллий полиция ва давлат муассасалари “жамоа хавфсизлиги”ни таъминлаш учун меъерий чоралар кўриб, амалга оширишини рағбатлантириши зарур. “Жамоа хавфсизлиги” инсонлар яшайдиган ва ишлайдиган жойлар жиноятдан холи бўлиши ҳамда инсонлар ўз уйларида ва кундалик ишлари тўғрисида жамоат жойларига борганида ўзларини хавфсиз ҳис қилишини таъминлаш мақсадини англатади. ННТлар ва фуқаролар ўз ҳудудларининг яшаш ва ишлаш учун хавфсизлигини

таъминлаш ташаббусларида фаол қатнашиши ва полиция билан ушбу мақсадда ҳамкорлик қилишга рағбатлантирилиши керак. Озчиликлар ҳам шундай тадбирларда фаол қатнашиши зарур. Жамоа хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли этник гуруҳларни полиция билан маҳаллий даражада бирга ишлаш учун йиғиш кўп миллатли жамиятда этник интеграцияни ривожлантиришда қимматли услубдир.

18. Кўп миллатли ҳудудларда мунтазам равишда патруль хизмати ўташда жамоат ишончини мустаҳкамлаш ва ўз тезкор ҳаракатлари самарадорлигини ошириш мақсадида полиция иложи борича турли миллат вакилларидан иборат гуруҳларни сафарбар қилиши зарур. Полиция яна ўз тактикаси ва кўриниши (масалан, сони, қуролларнинг кўриниши, хизмат формасини танлаш) вазифага мослиги ва заруратсиз қўрқув ва кескинлик туғдирмаслигини таъминлаши зарур.

Юқоридаги 4-Тавсияда айтилганидек, кўп миллатли жамиятда полиция шахсий таркиби жамиятни миллий таркибига мутаносиблигини таъминлаш муҳим. Бу барча этник гуруҳлар томонидан полицияга ҳуқуқий деб қаралиши ва полиция жамиятнинг барча қатламларида ишлаш учун амалий кўникма ва тажрибага эгаллигини таъминлаш учун зарур.

Бу айниқса аҳоли таркиби кўп миллатли бўлган ҳудудларда тезкор чоралар учун муҳимдир. Полиция барча гуруҳлар билан муомала қилиб, айниқса этник гуруҳлараро кескинликлар мавжуд вазиятларда уларнинг ишончини қозона олиши зарур. Турли миллат вакилларидан иборат патруль ва қўшма гуруҳларни тергов ёки бошқа фаолиятда қўллаш полицияга ушбу мақсадларга етишда ёрдам беради. Қўшма гуруҳлар яна кўп миллатли жамоаларда полиция вазифаларини бажаришда полицияга кўплисонийлик имкониятини беради. Айни пайтда полиция жамиятга давлат хизматини амалга оширишда турли миллатлар ҳамкорлигининг ижобий амалиёт моделини намоиш қилиб, бу фаровон кўп миллатли Давлат учун пойдевордир.

Қўшма патруллар ва ишчи гуруҳлардан фойдаланиш янги кадрлар жалб этилганда ёки жамиятда этник гуруҳлар орасида кескинликлар бўлган ҳолларда кўмак ва раҳбарликда эҳтиёткорликни талаб қилади. Раҳбарлар мазкур кескинликларнинг эҳтимолдаги манбаларини ҳамда жамоадаги кескинликлар муайян миллатларга бўлган ходимларга кўрсатиши мумкин бўлган босимни ёдда тутиши зарур. Озчиликлардан чиққан ходимлар ўз жамоаларида ишлаётганда бу полиция ҳамда жамиятга кўп фойда келтириши мумкин. Лекин озчиликлар ва полиция орасида низо туғилса, озчиликдан бўлган полиция ходими душманларча муносабатга дуч келиши мумкин

(озчиликлардан чиққан полиция ходимларини сафарбар қилишга оид 7-Тавсияга қаранг). Кўпчиликка тегишли бўлиб, аксарият озчиликлар истиқомат қилувчи ҳудудларда ишлаётган ходимлар ҳам тазйиққа учраб, озчиликлардан бўлган ҳамкасби уларни юмшатиш ёки ечишга ёрдам бериши мумкин. Қўшма патруль ва ишчи гуруҳлардан фойдаланиш турли тенденциялардан муҳофазани таъминлаши ҳамда полициянинг миллатлараро ҳамкорлик ва профессионал жипслашувга садоқатини тасдиқлайди.

19. Полиция камситишга қарши қонун фаол ва самарали тарзда татбиқ этилишини таъминлаши лозим. Айниқса, полиция этник нафрат сабаб бўлган жиноятлар ҳақида хабар беришни рағбатлантириши ҳамда уларнинг тўлиқ қайд этилиши ва текширилишини таъминлаши лозим.

Тенг муносабат ҳуқуқи асосий инсон ҳуқуқларидан бири ва барча Давлатлар камситишга қарши қандайдир қонунларга эга. Давлатлар орасида қонунлари камситишнинг турли шакллари қай даражада ва қай тарзда қамраб олишида фарқ мавжуд. Масалан, баъзи Давлатларда камситиш фуқаролик қонунчилигига оид ва полициянинг мажбурияти эмас. Ва этник нафрат туфайли зўравонлик ҳаракатлари алоҳида қонунлар билан қамраб олиниши ҳамда умумий жиноий қонунчиликка кўра оғирлаштирувчи жиноят деб қўрилиши мумкин ёки қонун билан белгиланмаган бўлиши мумкин.

Қонунга кўра ортида этник нафрат ва зўравонлик бўлган жиноятларга қарши курашга оид мажбуриятларидан қатъи назар, полиция мазкур қонунларни собитқадам ва изчил равишда татбиқ қилишни таъминлаши зарур. Ҳар қандай демократик кўп миллатли Давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ирқчилик ва камситишга қарши қонунларининг полиция самарали тарзда татбиқ қилинишига боғлиқ. Албатта, бу прокуратура ва судлар иштирокида ва ҳар бир Давлатда белгиланган тартиб-қоидалар ва мажбуриятлар бўйича амалга оширилиши зарур. Лекин ҳамма ерда полициянинг ўрни муҳим.

Этник нафратга асосланган жисмоний зўравонлик ҳаракатлари этник нафратга асосланган жиноятнинг энг жиддий шакли ва умуман демократик давлатларнинг барқарорлиги ва фаровонлиги учун энг жиддий хавфдир. Бундай ҳаракатлар нафақат шахсларга жиддий зарар етказди, балки шахсларни этник гуруҳларнинг аъзолари сифатида мўлжалга олгани сабабли бутун жамоага ва индаллода умуман жамиятнинг жипслигига хавф солади. Полиция жиноятнинг мазкур шаклига қарши курашда ўз ўрнининг (жумладан ушбу мавзуда таълим орқали) муҳимлигини ҳамда бутун жамият унинг самарали ҳал қилинишига боғлиқлигини тушуниб етиши жуда зарур.

Кўпинча жиноятда ирқчилик ёки этник нафрат омиллари очикчасига намоён бўлсада, баъзан сезилмас ёки беркитилган бўлиши мумкин. Кўп миллатли муҳитда полиция ҳар доим жиноятда бундай сабабни эътиборга олиши ва (масала бўйича аввалги нуқтаи назаридан қатъи назар) жабрдийда ёки бошқа шахс томонидан ирқий нафрат омили ҳақидаги гумонларини терговда эътиборга олиши зарур. Европа Инсон Ҳуқуқлари Судининг Начова ишидаги қарори барча Европа Давлатлари зўравонлик ҳаракатларида бўлиши мумкин бўлган ирқчилик мотивларини тергов қилиш мажбуриятига эга эканлигини маълум қилди¹¹.

Этник нафрат туфайли жиноятларга қарши самарали тарзда курашиш учун полиция учун биринчи талаб бундай жиноятларни қайд этиш ва самарадор тарзда тергов ўтказиш учун ўрнатилган тартиб-қоидаларга эга бўлишидир. Мазкур тартиб-қоидалар этник омил мавжудлигининг исботлари тегишли тарзда йиғилиши ва судда тақдим қилинишини таъминлаши лозим. Полиция ходимлари мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қила олиши ва нима сабабли улар муҳимлигини англаши учун тегишли таълим олиши зарур. Полиция нафақат кўпчиликлар, балки номутаносиб тарзда бундай жиноятлар қурбони бўлувчи озчиликлар ҳам бундай жиноятлар ҳақида хабар бера олиш учун ишончга эгаллиги ҳамда полиция ННТлар ва этник жамоалар билан бу мақсадда ҳамкорлик қилишини таъминлаши лозим. Яна полиция мазкур жиноятнинг қанчалик тарқалганлигини ва унга қарши чора кўришда ўз самарадорлигини кузатиш учун бундай жиноятлар ҳақида аноним ва агрегация қилинган статистика маълумотларини йиғиб, таҳлил қилиши лозим. Бундай маълумотлар бошқа давлат муассасалари ва ННТларга ҳам берилиб, уларга полиция билан ҳамкорликда профилактика чоралари кўриш имкон бериш зарур.¹²

20. Давлатлар жиноят қурбонларини қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат механизмлари миллий озчиликларга оид шахслар учун ҳам тенг ва самарали равишда мавжуд бўлишини таъминлаши лозим.

ЕХХТ Қатнашчи Давлатлари орасида жиноят қурбонлари бўлган инсонлар эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини тан олиши ҳамда бундай шахсларга маслаҳат ва кўмак бериш ҳақида меъерлари бўйича ҳозирги пайтда фарқлар мавжуд. Кўп Давлатларда бундай меъерлар йўқ ёки деярли йўқ. Лекин охириги йилларда халқаро ҳамжамият жиноят қурбонлари ҳуқуқларини кенгроқ эътироф

¹¹ Европа Инсон Ҳуқуқлари Суди (Олий Палата), 2005 йил 6 июль, Начова ва бошқалар Болгарияга қарши (аризалар рақамлари 43577/98 and 43579/98), вебсайт <http://www.echr.coe.int>

¹² 2004 йилдан буён махсус ЕХХТ дастури –ДИИҲИ Нафрат туфайли жиноят бўйича Ҳуқуқ муҳофазаси ходими дастури ЕХХТ Қатнашчи Давлатларида мазкур муаммони ечишда полицияга ёрдам бериб келмоқда: See http://www.osce.org/odihr/item_11_16251.html

этилишига кўпроқ урғу бериб келиб, ушбу масала қатор халқаро конвенциялар ва декларацияларда, айниқса аёллар ва болаларга тааллуқли бўлганларида кўтарилмоқда. Бундай ҳужжатларда жиноят қурбонларига оид махсус инсон ҳуқуқлари, жумладан шахсий эркинлик ва қадр-қиммат, товон тўлаш, тиббий, жисмоний ва ижтимоий ёрдам, жиноий қидирув ҳақида ахборот олиш ва умуман одил судлов ҳуқуқлари белгилаб ўтилган.

Ҳатто мазкур меъер мавжуд мамлакатларда ҳам тадқиқотлар кўрсатишича этник озчиликлар жиноят қурбони бўлганида бундай кўмакдан фойдаланиш имконияти ва эҳтимоллиги камроқдир. Бунинг қатор сабаблари, жумладан: бундай кўмак кўрсатиш жойи, озчиликлар орасида мазкур хизматлар ҳақида беҳабарлик (ёки ишончсизлик) ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг маданий хилма-хилликка бефарқлиги ёки озчиликлар тилларида мулоқот қила олмаслиги бўлиши мумкин.

Қурбонга кўмаклашиш мажбурияти нафақат ёки ҳатто аксариятда полиция эмас, умуман давлат бўйнидадир. Давлатлар жойларда қурбонларга кўмак хизматлари кўрсата олувчи миллий тузилмаларни ташкил этиши ҳамда барча этник гуруҳларнинг эҳтиёжлари учун етарли бўлган хизматларни ташкил этиши зарур. Қурбонларга кўмаклашиш ташкилотлари давлат муассасаларидан тўлиқ равишда мустақил бўлиши (ва мустақил сифатда қаралиши) ва яқиндан ҳамкорлик қилиши зарур. Фуқаролар жамияти иштироки ҳамда ННТларни жалб қилиниши иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарур.

Лекин қурбонларга кўмаклашишда полиция жуда муҳим ўрин тутиб, улар мазкур вазифани амалга ошириши полиция фаолиятининг самарадорлигига жуда катта ҳисса қўшади. Полиция жиноят қурбонлари учун давлат муассасалари билан биринчи алоқа қилиш нуқтаси бўлиб, бунда улар руҳий эзилган, жисмоний жароҳатланган, ўз ҳуқуқларидан беҳабар ҳамда маслаҳат билан кўмакка жуда муҳтож пайти бўлиши мумкин. Жиноий ҳуқуққа оид ўз вазифаларини бажаришда полиция фавқулодда ёрдам кўрсата олиш, сўнг қурбонларни тегишли муассасаларга юбора олиши зарур. Полиция мазкур қурбонга ёрдам вазифаларини самаали тарзда амалга ошириши қурбоннинг хавфсизлиги учун ҳам, қурбоннинг полицияга бўлган ишончини сақлаш учун ҳам зарур. Қурбонлар ўз ишига оид маълумотларни етказишни хоҳлаши ҳамда судда гувоҳлик беришга тайёр бўлиши учун полиция мазкур ўзига ишончни сақлаб туриши зарур. Мазкур сабабларга кўра полиция терговнинг бориши ҳақида жабрдийдаларни хабардор қилиб туриши жуда зарур. Полиция яна жиноятдан сўнг ёки полицияга хабар беришга тайёрлиги сабабли қурбонларнинг хавфсизлигига таҳдид бўлса, уларни муҳофазасига олиши зарур.

Полиция озчиликлар ҳамда кўпчилик жиноят қурбонлари бўлишганда ўзларининг муҳофазасида ишончга эга бўлишини таъминлаши лозим. Ўтмишда озчиликлар ва полиция орасида низолар бўлган ёки ишонч йўқ бўлса, полиция учун мазкур истиқболдаги тўсиқни енгиб ўтиш учун фаол чоралар кўриш муҳимдир. Этник нафрат туфайли жиноят ёки зўравонлик ҳолларида полиция қурбонларнинг кўмак ва муҳофазага бўлган эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериши зарур. Бундай ҳоллар кўпинча “қайтадан қурбон бўлишга”, ёки ҳатто турли этник гуруҳлар аъзолари орасида қасос ҳамда таҳдидлар ва зўравонлик ҳаракатлари алмашувига олиб келади. Алоҳида шахслар эмас, бутун жамоалар этник нафрат сабабли жиноятлар туфайли жабрдийда бўлиб қолиши мумкин ва полиция алоҳида шахс ёки оила эмас, бутун жамоага муҳофаза ва кўмак кўрсатиш заруратини эътиборга олиши зарур. Тегишли ҳолларда полиция ушбу мақсадда таҳдид баҳоловини ўтказиши лозим.

VI. НИЗО ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ

21. Полицияга миллатлараро низоларга олиб бориши мумкин бўлган кескинликларни аниқлаш ва иложи бўлса камайтириш мақсадида озчиликлар билан муносабатларни шакллантиришда фаол ўрин тутиш вазифаси юклатилиши ва таълим берилиши лозим.

Кириш қисмида айтилганидек, МОБК полицияни этник низо олдини олишда асосий ўрин тутишини белгилайди. Бу қатор омиллар туфайлидир: жамоат тартиби ва осойишталигини таъминлашда полициянинг масъуллиги, полициянинг ушбу мақсадда ваколатлари, этник низога олиб келиши мумкин бўлган кескинликлар ёки ҳодисалар ҳақида полицияда мавжуд маълумот, ва мазкур кескинлик ва ҳодисалар турли этник гуруҳлар орасида очиқча жисмоний зўравонликка айланиб кетмаслигини таъминлаш учун полиция қўллаши мумкин бўлган профессионал кўникмалар.

Кўпинча этник низоларда полициянинг масъулияти очиқ низо ҳолларига қарши чора кўриш, яъни тартибни қайта тиклаб, қонунни бузганларни жавобгарликка тортиш деб ҳисобланади. Бу нуқтаи назар мазкур низо шаклланишининг эртарақ босқичларида ва жамоат тартиби қайта тиклангандан сўнг кескинликларни пасайтиришда полициянинг ўрни муҳимлигини эътиборга олмайди. Албатта, полиция бундай низони олдини олиш ва қарши чора кўришга масъулиятда яқка эмас, лекин бошқа давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти вакиллар ибилан бирганликда ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин.

Этник низони олдини олишда полиция қўшиши мумкин бўлган асосий ҳисса далиллар ва тизимий кўрсаткичлар асосида этник гуруҳлар орасида кескинлик даражасини кузатишдир. Мазкур далиллар (а) кучайиши мумкин бўлган турли гуруҳларга тегишли шахслар орасидаги муайян ҳодисаларнинг сони ва жиддийлиги (масалан, таҳдидлар ёки ўзаро зўравонлик) ва (б) жамоадаги манбалардан умумий этник гуруҳлараро душманлик даражаси ёки муайян душманлик ҳаракатларининг режалари тузилаётгани ҳақида маълумот олиш. Бундай маълумот полициядан барча этник гуруҳлар билан ишончга асосланган муносабатлар ва ижобий мулоқотда бўлишини ҳамда ишончли ва холисона ахборот манбалари билан алоқа ўрнатишни талаб қилади.

Этник кескинлик даражаси ҳақида турли минтақалардан ахборот йиғилиши ва муддат давомида қиёсланиши учун тизимий кўрсаткичлар ишлаб чиқилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар миллий ва маҳаллий даражада кузатиб борилиши зарур. Бошқа давлат муассасалари, масалан маҳаллий ёки минтақавий ҳукуматлар ва ННТлар мазкур кескинликлар кузатувиға ҳисса қўшиши мумкин. Мазкур мониторингда қўлланилган батафсил маълумотлар махфийлиги зарурати бўлиши мумкин бўлсада, полиция ёки давлат муассасалари ўз баҳоловини баъзи ҳолларда жамоат эътиборига ҳавола қилиши мумкин (масалан, агар оммавий ахборот воситалари ёки экстремист гуруҳлар ўз мақсадларида амалдаги кескинлик даражаси ҳаддан ошириб айтаётган бўлса).

Давлатлар этник кескинликларни кузатиш учун полиция томонидан тизимлар тузилиши ҳамда маҳаллий ва миллий даражаларда самарали амалга оширилиши ҳамда бундай маълумотларни йиғиш ва бошқариш алоҳида ходимларга юклатилгани ва мазкур ходимлар ушбу вазифани бажариш учун тайёргарликдан ўтганлигини таъминлаши зарур.

Давлатлар барча полиция ходимлари этник кескинлик ва низоларни олдини олишда ўз ўрнининг муҳимлигини тушуниб етиши ва мазкур роль полиция таълимида акс эттирилишини таъминлаши зарур. Таълим натижасида полиция мансабдор шахслари ва тезкор гуруҳлар раҳбарлари этник низоларни келтириб чиқариши мумкин сабаблар ва уларнинг шаклланиши ҳақида яхши тушунчага эга бўлиши, самарали воситачилик кўникмаларига эга бўлиши ҳамда полициянинг ваколатлари низочи гуруҳларни зўравонликсиз ечимлар топишини таъминлаш учун фойдаланилиши мумкинлигини тушуниши лозим.

Давлатлар яна “этник низо олдини олиш” полиция томонидан озчиликлар ҳуқуқларини поймол қилувчи репрессив ҳаракатларни оқлайди деб тушунмаслиги, профилактика чоралари озчиликларнинг интеграцияси ва ижобий этник гуруҳлараро муносабатларга кўмаклашувчи кенгроқ миқёсдаги

сиёсатнинг бир қисми бўлиши кераклигини тушунишни таъминлаши зарур. Барча этник гуруҳлар орасида зўравонликни рад этувчи ечимларга содиқликка етишда полиция фаолиятининг барча гуруҳларга инсон ҳуқуқларига мувофиқ равишда одилона ёндашиши ишонч қозонишига боғлиқ.

22. Полиция фуқаролар тартибсизликлари ва миллатлараро низо вазиятларини профессионал ва бетарафлик билан ҳал этиш ҳамда низоларни сусайтириш ва иложи борича музокаралар орқали ва минимал куч ишлатиш орқали ҳал қилиш учун зарур тайёргарликдан ўтиши ва жиҳозланиши лозим.

Жамоат тартибини сақлаш демократик Давлатдаги полициянинг асосий вазифасидир. Кўп миллатли Давлатда очиқ миллий низо жамоат тартибсизликларининг жуда жиддий шакли бўлиб, у давлатнинг ижтимоий жипслигининг пойдевориغا таҳдид солади. Полициянинг жамоат тартибсизликларининг ҳар қандай шаклини эплай олиш ва ҳал қилиш салоҳияти муваффақиятли кўп миллатли жамият учун ҳаётий аҳамиятга эга. Фуқаролар тартибсизликлари ва этник низо ҳодисалари учун масъул полиция ходимлари тегишли тайёргарликдан ўтиши ҳамда мазкур вазифа бўйича батафсил амалиёт кодекслари тузилиши зарур (Юқоридаги 8 ва 10 - Тавсияларда таълим ва амалиёт кодексларига оид умумий йўл йўриқлар берилган).

Этник гуруҳлараро низолар ечимида полиция нафақат техник жиҳатдан самарадор ишлаши, балки барча гуруҳлар назарида қонунга ва халқаро инсон ҳуқуқларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиши зарур. Асосий муаммо полиция томонидан куч ишлатиш масаласидир. Полиция қонунга мувофиқ очиқ низолар ҳолларида куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлса-да, уларнинг профессионал мақсади зарурат ҳолида минимал даражада ва охириги восита сифатида куч ишлатиш бўлиши зарур. Иложи борича воситачилик каби муқобил услублар қўлланилиши ва қайси ҳолларда ва қай тарзда куч ишлатиш асосланган эканлиги ҳақида аниқ йўриқномалар ишлаб чиқилиши зарур¹³.

Полиция шуни ёдда тутиши зарурки, унинг ҳаракатлари этник гуруҳлараро муносабатлар боришидан алоҳида ёки ташқарида эмас: улар демократик Давлатда рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий жараённинг ажралмас қисмидир. Очиқ низони ҳал қилишга масъул давлат муассасаси сифатида уларнинг ҳаракатлари, қисқа ёки ўрта муддатда этник гуруҳлараро муносабатлар ривожланиши ва умуман давлат келажагига катта таъсир қилиши мумкин. Шу

¹³ Умуман куч ишлатиш масалаларида, полиция БМТ йўриқномаларига риоя қилиши зарур: Ҳуқуқ муҳофазасига масъул мансабдор шахслар томонидан куч ва ўточар қуроллар қўлланишининг асосий тамойиллари, тегишли вебсайт http://www.unhchr.ch/html/menu3/b/h_comp_43.htm.

сабабларга кўра низоларни ҳал қилиш ҳамда жамоат тартибини сақлашда барча этник гуруҳларнинг ишончини қозониш ва сақлаб туриш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар улар ушбу вазифани бажаришда озчиликларга нисбатан бирор этник гуруҳ тарафида ҳаракат қилишса, озчиликлар кўзида уларнинг давлат вакиллари сифатида ҳаракатларининг ҳуқуқийлиги поймол бўлади. Шу сабабли барча полиция ходимлари ўз этник келиб чиқишидан қатъи назар этник гуруҳлараро низолар ҳолларида касбий ҳалоллик билан ҳаракат қилиши ҳаётий муҳимдир.

23. Айниқса маҳаллий даражада полиция миллатлараро низолар олдини олиш ва ҳал этишга оид ўз чоралари озчиликларнинг интеграцияси ва муваффақиятли кўп миллатли жамият қуриш учун кенгроқ чоралар билан мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун бошқа давлат муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим.

Очиқ этник низолар ечими полициянинг бирламчи мажбурияти бўлиб, бундай низо олдини олиш ҳамда ундан сўнг содир бўлувчи кескинликларнинг ечимида ҳам полиция иштирок этишга қодир ва зарур бўлса ҳам, бу фақат полициянинг бурчи эмас. Бошқа давлат муассасалари ҳам жалб этилиб, айниқса низонинг остидаги сабабларининг ечимида улар етакчилик қилиши зарур. Қайси давлат муассасалари жалб этилиши қандайдир даражада мазкур сабабларнинг хусусиятлари боғлиқ бўлиши мумкин: масалан, баъзи ҳолларда низо уй-жой ёки мулк масалаларига тақаладиган бўлса, уй-жой масалаларига масъул муассасалар асосий ўрин тутиши мумкин. Низодаги турли гуруҳларнинг аъзоларини бирга йиғиш, шахсий муносабатларни йўлга қўйиш ва турли хил умумий манфаатларни кўзлаган ҳолда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга қодир муассасалар асосий ўрин тутишади. Узоқ муддатда таълим, айниқса турли этник гуруҳлардан ёшларни бирлаштирувчи таълим муҳит ўрин тутари ва шу сабабли халқ таълими муассасалари ўрни эътироф этилиши лозим. Мазкур муаммоларни маҳаллий даражада ҳал қилишнинг муҳимлиги эътиборга олганда, албатта маҳаллий ҳокимият муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ва маҳаллий даражаларда этник низолар олдини олиш ва кўп миллатли жамиятларнинг жипслигини таъминлаш мақсадида махсус стратегиялар (жумладан оммавий ахборот воситаларига оид стратегиялар) тузиш учун полиция ва бошқа давлат муассасалари биргаликда ишлаши лозим. Аксарият ҳолларда масъул бўлган шахслар тегишли белгиларни ўз вақтида кўрмагани, чора кўришга масъулияти етмагани ёки самарали ва мувофиқлаштирилган тарзда чора кўрмаганлиги бундай низо шаклланган ёки кучайган ҳоллар кўп бўлган. Давлатлар миллий ва маҳаллий даражаларда тегишли муассасалар томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда чора кўрилиши ва бу озчиликларни барча даражаларда жипслаштирувчи стратегияларнинг

бир қисми бўлиб шаклланишини таъминлаши зарур. Ушбу мақсадда расмий тузилмалар ва ҳамкорлик ташкил этилиши лозим. Кўп миллатли жамиятларнинг жипслигини шакллантириш жараёнида полициянинг ўрни ажралмас сифатида эътироф этилиши ва шу сабабли полиция бошқа давлат муассасалари ҳамда миллий ва этник озчиликлар гуруҳлари вакиллари билан мазкур жараёнда фаол ҳамкор бўлиши зарур.